

Абдурашид қори БАҲРОМ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий



ИСТИҚЛОЛНИНГ КЎРКАМ БОҒИ

الحمد لله على ما انعم والصلوة والسلام
على محمد صلى الله عليه وسلم. اما بعد:

Бизларга Ватанимиз Ўзбекистон истиқлолининг 10 йиллик тўйини кўриш бахти насиб этди. Истиқлол шундай бир боғдирки, унинг ажиб меваларини татиб кўроқдамиз.

Ўтган ўн йил халқимиз учун синов ва зафар йиллари бўлди. Синовлиги — узоқ йиллар зулм ва зуғум остида яшаш оқибатида кўпчилик янгича шароитларга осонликча мослаша олмади.

Зафарлар борасига келсак, алҳамдулиллаҳ, уларнинг салмоғи ва аҳамиятини ҳар қанча таъкидлаб айтсак ҳам оздек кўринади. Аввало, жамиятда диний ҳаётга эътибор кучайди, унутилган, таъқиб этилган миллий қадриятларимиз тикланиб, ҳаётимизда муносиб ўрнини эгаллаётир. Имом Исмоил Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Маргиноний, Амир Темур ва бошқа улўф боболаримизнинг таваллуд тўйлари муносиб нишонлангани беҳад ибратли бўлди.

Биз учун энг асосийси, мамлакатда эътиқод эркинлиги конституциявий асосда кафолатланди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Истиқлол йиллари диёримиз мусулмонларининг ақидавий бирлиги янада мустаҳкамланди. Шукрим, бугун барчамиз Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (р.а.) мазҳабларида эмин-эркин ибодат ўтаймиз, амри маъруф, наҳйи мункар қиламиз, фикҳий масалаларни ҳал этамиз.

Истиқлол йиллари илоҳий дастуримиз Қуръони карим маъноларининг ўзбекча таржималари, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ҳидоя», «Жомеъул-мутун», «Танбеҳул гофилийн» каби Ислом дини асослари ва тасаввуфга оид ўнлаб китоблар нашр этилди. Бугунги кунда халқимизнинг сеvimли журнаliga айланган «Ҳидоят» ҳам айни шу истиқлол меваларидан бўлди. Маъри-

фатпарвар халқимиз бу нашрларни севиб мутолаа этмоқда.

Мамлакатимизда юзлаб янги жомеъ масжидлари қурилди, янги мадрасалар очилди. Диний таълим мақеини давлат таълими мақомига тенглаштириш чоралари кўтарилаётир. Давлат умумтаълим тизимида «Диншунослик» фанини ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Бу каби тадбирлар динимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўғри тушунтиришда яхши самаралар беради, иншаллоҳ.

Аллоҳга шукрим, истиқлол шарофати билан ҳар йили минглаб ватандошларимиз муборак ҳаж ва умра зиёратларини адо этиб қайтмоқдалар. Бу ибодатларни ҳам кўнгилдагидек бажаришимиз учун катта қулайликлар яратиб берилаётир.

Истиқлол йилларида динимизнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги мавқеи янада юксалди. Миллатлараро ҳамжиҳатликни, бағрикенгликни мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни имон-эътиқодли, халққа, ота Ватанга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш ишига мўмин-мусулмонлар, уламолар, имом-хатиблар қўшаётган ҳисса йилдан-йилга салмоқли бўлаётир. Шу маънода муҳтарам Президентимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китобида таъкидланган ушбу сўзлар бизни қувонтиради:

«Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшаётган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди».

Шу қувончли кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Олий ҳайъати номидан мўмин-мусулмонларни, бутун Ўзбекистон халқини истиқлолнинг 10 йиллик тўйи билан қизгин муборакбод этамиз. Аллоҳ таолодан элимизга тинчлик-омонлик, миллатимизга, Ватанимизга, динимизга улкан равнақлар тилаймиз. Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Мундарижа

Мустақилликка 10 йил Абдурашид қори БАҲРОМ Истиқдолнинг кўркама боғи.....	1
Мустақилликка 10 йил Саидафзал САИДЖАЛОЛОВ Сарҳисобни унутмайлик.....	4
Ислом ва олам Сунъий тўсиқларга қарши.....	5
Ибратлар Эркин МАЛИК Қалб гавҳари жилолари.....	6
Истиқдол иншоотлари Юсуф СОБИР Учинчи бор тикланган масжид.....	8
Мустақилликка 10 йил Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли Тақво Аллоҳ учундир.....	9
Тобеинлар ҳаётидан лавҳалар Ражо ибн Ҳаё (Охири).....	10
Бўлган воқеалар Омонуллоҳ МУТАЛ Марҳумнинг ёшлари нечада?.....	15
Мустақилликка 10 йил Абдулхай АБДУЛЛАЕВ, Зоҳиджон ИСЛОМОВ Уйғун билимлар олиб камолот сари.....	16
Қуръон ва фан Ҳожи МИРЗАБОЕВ Тоғлар ҳам юрадимми? (Охири).....	18
Насиҳат Ризқ топай деб тўғрилиқдан айрилма.....	21
Мустақилликка 10 йил Йўлдош ЭШБЕК Гўзал ҳолат умиди.....	23
Наҳий мункара Ақмал АВАЗ Ўнта бефойда нарса.....	23
Адабиёт Дадахон НУРИЙ Азон садоси.....	24
Шеърят Абдул ЖАЛИЛ Майсадек титрайди яна жон.....	28
Балоғат Шокиржон ШОДМОНХЎЖА ўғли Қитмирчалик қиймати йўқ.....	30
Дам олиш саҳифаси Жамшид НЕЪМАТ Бошқотирма.....	32
Ақмал АВАЗ Фикҳий топишмоқлар.....	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ножоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз

Хушхабар
Жамолидин БҮРИЕВ

4

ДИПЛОМЛИ ҚАДДИРҒОЧ ҚОРИЛАР

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Тошкент Ислом институтининг таҳфийзул Қуръон бўлимини илк ҳофизни Қуръонлар битириб чиқишди.

Амри маъруф
Абдулфаттоҳ ТҲХТАБОЙ ўғли

7

ЭНГ СОДИҚ ДУСТААР

«Аллоҳнинг шундай бандалари борки, улар пайгамбар ҳам эмас, шаҳидлар ҳам эмас, лекин қиймат кунини уларга берилган манзилни пайгамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам ҳавас қилдилар».



Бугуннинг гапи
Азиз АБДУРАЗЗОК

12

СОҒЛОМ АВЛОДДАН АЙЛАНСАНГ АРЗИР

Бир кунини автобус бекатида учта қизни учратдим. Кийимлари шу қадар гайритабиий эдики, учалови ҳам эртақлардаги ажиналарга ўхшаб қолишган эди.

Муслмон одоби
Муҳаммад СИДДИК

13

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Кийимнинг тўртдан биридан кўпиди ха-
фифа нажас бўлса, уни ювишга қодир бўла
туриб, ювмай намоз ўқиш ножоиздир. Бу
ўринда енг, пойча, этак каби кийим бўлак-
лари алоҳида кийим деб қабул қилинган.

Мулоҳаза
Аъзам ЎКТАМ

20

КЎЗ ЮМИБ ОЧГУНЧА



Вақтимиз бекор ўтяпти. Бир
дақиқа бўш ўтирсак, олти марта
«Фотиҳа» сурасини ўқимаган бўла-
миз. Бобур Мирзо бир кеча-кун-
дузда Фотиҳани 8640 марта ўқиш мумкин-
лигини айтаяптилар.

Қуръон ва биз
Абдулазиз АБДУЛҲАМИД,
Мухторжон КАРИМ,
Убайдулла СОДИК

26



Ҳидоят топганлар
Мубашшир АҲМАД

30

ОДАМ ТАКАШИННИНГ ИҚБОЛИ

Уки Такаши имом-
нинг ортидан шаҳодат
калимасини қийнаиб,
лекин завқ-шавқ билан
такрорлар эди. Бошқа-
ларни ҳам кучли
ҳаяжон чулғади.



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон муслмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Фозил қори СОБИР
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Эркин МАЛИК
Сирожиддин АҲМАД
Абдуқаюм ҲИКМАТ
Нуриимон АБУЛҲАСАН
Абдулжалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани
Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН ўғли
тайёрлади.
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли
Тартибловчи
Қудрат ЖУМА ўғли
Компютерчи
Мунира МАСЪУДАЛИ қизи
Мусаҳҳиҳа
Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:
Фарғона вилояти – 8. 3732. 24-25-28
Директори Салоҳиддин Нуриддин
Андижон вилояти – 8. 3742. 24-34-04
Директори Ўктам ҳожи Умурзоқ

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўми-
тасида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 00079.
Босишга 2001 й. 31 августда рухсат берилди.
Босмахонага 2001 йил 3 сентябрда топширил-
ди. Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 6000 нусха.
130-сон буюртма билан «KONI NUR» МЧЖ
да босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Муқим-
ий кўчаси, 178-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-III
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилин-
майди. Мақолалар хат орқали юборилганда
исми шарифлар тўлиқ ёзилиши, манзил тўғри
кўрсатилиши шарт.

Истиқлол йиллари бутун жамиятимизда бўлганидек, ҳар бир ватандошимиз ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар, янгиликлар юз бергани табиий. Аввало, ўзликимизга, ҳаётимизга, жамиятга муносабатларимиз ўзгарди, ҳаётбахш маъно касб этди. Динимизнинг равнақи ва ибодатларимизни мукамал адо этишимиз учун кенг имкониятлар очилганидан Аллоҳга беадад шукрлар қиламиз. Табиийки, бу ўзгаришларни ҳар бир юртдошимиз ўзича идрок этади, ақли ва шуури билан ўзича баҳолайди. Шу боисдан ҳам, «Ҳидоят» саҳифаларида «Истиқлол сўровномаси» рукнини очиб, бир қатор ватандошларимизга баъзи саволлар билан мувожаат этдик.

1. Динимизнинг мустақиллик давридаги умумий ҳолати хусусида қандай фикрдасиз?
2. Ўзинигизнинг диний ҳаётингиздан қониқасизми?
3. Сиз ҳаётингизда муайян оят, ҳадис ёки ҳикматли сўзни мезон билиб, унга қатъий амал этасизми?

Саидафзал САИДЖАЛОЛОВ,
Тошкент Ислом университетининг
III босқич талабаси



САРҲИСОБНИ УНУТМАЙЛИК

1. Мустақиллик йилларида ҳар бир инсон эркин эътиқод ва амал қилиш имкониятига эга бўлди. Исломнинг ҳаётимизда аниқ ўринга эгаллиги, бугунги ҳаётимизни шу муқаддас динсиз тасаввур қила олмаслигимиз кундан-кунга равшан бўлмоқда. Бу борада қанча-қанча масжиду мадрасалар барпо қилиниб, диндорлар ихтиёрига топширилганлиги, диний кадриятларимиз тикланаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу билан бирга баъзи кишиларнинг ҳалигача дин ҳақида тўғри тасаввурга эга эмаслиги, эътиқод эркинлигини суъистеъмол қилиш, ақида асосларини яхши англамасдан турли оқимларга кириб кетиш каби ҳоллари мавжудлиги маърифий ишларни янада кучайтиришни тақозо қилади.

2. Бу саволни мен: «Дин кўрсатмаларига тўлиқ амал қиляпсизми, деган мазмунда тушундим. Ёки савоб ишларни мукамал бажариб, гуноҳ ишлардан тамомила тийилмоқдасизми дея қабул қилдим. Ҳар ким ҳам бу саволга ижобий жавоб бера олмас керак. Зеро,

«инсон» сўзи нисён-унутиш деган маъноларни англатади. Киши баъзида бандалик билан савоб ишларни унутиб, билиб-билмай гуноҳ қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун инсон доимо ўз ҳаётини сарҳисоб қилиши керак. Ҳаётдан қониқиш кишининг мақсадсиз бўлиб қолганлиги белгисидир.

3. Бу саволга икки хил ёндашув билан:

Биринчидан, битта ҳикматли сўзга қатъий амал қилиш бошқа ҳикматларга амал қилишни тўхтатадиган бўлса, йўқ. Иккинчидан, муайян ҳикматли сўзга амал қилиш орқали бошқа буюк ибратларга амал қилиш мумкин бўлса, эришиладиган бўлса, «ҳа», деб жавоб бериш мумкин.

Пайгамбаримизнинг (с.а.в.)

إن الله في عون عبده ما

دام العبد في عون أخيه

деган ҳадисларига амал қилишга интиламан. Лекин ҳар доим унга қатъий амал қиляпман дейиш мушкул. Юқорида айтилгандек, инсон унутишликдан ҳоли эмас.

Хушхабар

ДИПЛОМЛИ ҚАЛДИРҒОЧ ҚОРИЛАР

Тошкент Ислом институтининг таҳфийзул Куръон бўлимини илк ҳофизлар битириб чиқишди. Ушбу бўлим 1997 йилда очилиб, мақсади чуқур билимли, ўттиз пор Каломуллоҳни тўла ёд олган мураббат қориларни тайёрлашдан иборат эди.

Бу илм даргоҳида бундан тўрт йил аввал 11 нафар талаба таҳсил олишни бошлаган эдилар. Эндиликда улар мазкур даргоҳнинг дипломли қалдирғоч қорилари сифатида «учирма» қилинди. Шу муносабат билан яқинда Тошкентнинг Ўрикзор даҳасида жойлашган таҳфийзул Куръон бўлимида қориларнинг хатмона маросими ўтказилди. Маросим байрамона тус олиб, унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий Абдурашид қори Баҳром, таълим бўлими мудири Жалолиддин Нуриддинов, Тошкент Ислом институти ректори Абдуқоюм Азимов иштирок этишди.

Маросимда сўзга чиққан устозлар мазкур даргоҳ фаолиятининг ўзига хослиги ва аҳамияти хусусида гапирдилар, битирувчиларни табриқлаб, уларга оқ фотиҳа бердилар.

Жамолиддин БҮРИЕВ,
талаба

Чехияда Ислом

Ўтган асрнинг бошларида Чехияда мусулмонлар жуда озчилик эди. Улар асосан боснияликлар бўлиб, Австрия-Венгрия империясига тобе эдилар. Шунингдек, татарлар ва черкеслар ҳам бор бўлса-да, мамлакатда Ислом дини эътиборли мавқе топмаган эди. Шунга қарамай, 1934 йили мамлакат мусулмонларининг илк расмий ташкилоти рўйхатга олинган.

1989 йил инқилобидан сўнг Чехословакияда мусулмонлар сони кескин ортди. Бу ерга мусулмон мамлакатларидан жуда кўп талабалар ўқишга кела бошлашди. Коммунистик тартиб ағдалиши биланоқ «Чехословакия мусулмон-талабалари уюшмаси» ташкил этилди. Жамиятда Ислом дини мавқеи йилдан-йилга юксала борди. Турли манбалар хабарига кўра, бугунги кунда Чехияда 40 мингдан ортиқ мусулмон яшайди.

Чехиядаги биринчи масжид 1998 йили Моравия пойтахти Брно шаҳрида қурилган эди. Орадан бир йил ўтмай, Прагада иккинчи жоме масжиди очилди. Иккала масжидни ҳам «Мусулмон-талабалар уюшмаси» оталиққа олган.

Мамлакатда яна бир диний ташкилот — «Чехия Ислом уюшмаси» ҳам самарали фаолият юритаётир. Бу ташкилотлар саъй-ҳаракати билан исломий адабиётлар — асосан Қуръони карим маъноларининг чех тилига таржималари, тафсир китоблари, ҳадис тўпламлари чоп этилмоқда.

Сунъий тўсиқларга қарши

Франсияда «Кўпмиллатли Франсия» номли янги партия рўйхатга олинди. Таъсисчилари асосан мусулмонлардан иборат бўлган янги партиянинг бош мақсади мамлакатдаги туб бўлмаган миллатлар манфаатини ҳимоя қилишдир.

Янги партия раҳбари, франсуз журналисти, Париждаги радиоэшиштириш станцияларидан бирининг директори Тавфиқ Маслюси айтишича, мамлакатдаги сиёсий вазиятни чуқур ўрганиш шуни кўрсатдики, сиёсат тизимларида мусулмонларнинг ўрин олиши жуда кўп сунъий тўсиқларга дуч келаётир.

Франсияда мусулмонлар жамоаси жами фаол сайловчиларнинг ўн фоизини ташкил этса ҳам, мамлакатдаги сиёсий ҳаракатлар таркибида бунга мос мавқени эгаллай олгани йўқ.

«Кўпмиллатли Франсия» партияси ташкил этилишига бағишланган тантанали маросимда мамлакат президенти Жак Ширакнинг маслаҳатчиси, ўнг ва сўл партияларнинг вакиллари, черков хизматчилари, Франсиянинг машҳур кишилари иштирок этишди.

Қорилар кўпаймоқда

Қозон шаҳридаги Русия Ислом университетида қорилар кўрик-танлови ўтказилди. Мусулмон аёллар уюшмаси, «Муслима» газетаси, Татаристон мусулмонлари диний бошқармаси бу тадбирнинг ташкилотчилари бўлишди.

Тўртинчи бор ўтказилаётган мусобақада 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган қорилар иштирок этишади. Татаристон мусулмонлари диний бошқармаси раисининг ўринбосари Валиуллоҳ Якубов айтишича, ҳозирнинг ўзида 500 нафарга яқин ёш қори ва қориялар кўрик-танловда қатнашиш учун ариза беришган.

Қуръонни ўрганамиз

Масков шаҳрида Қуръони карим ҳофизларини тайёрлайдиган янги ташкилот рўйхатга олинди. Ташаббускор Тагир Шингареевнинг айтишича, Русия мусулмонлари муҳити учун жуда зарур бўлган Ислом уламоларини тарбиялаш нияти ана шундай ташкилот тузишда асосий тurtки бўлди.

Чиндан ҳам айна замонда Русиядаги кўп миллионли мусулмон жамоаси орасида қорилар етишмаслиги яққол сезилади.

Исломий нашрлар анжумани

Донецк шаҳридаги Украина Ислом университетида исломий оммавий ахборот воситалари ходимларининг биринчи анжумани ўтказилди. Анжуманда «Мустақил Украинада исломий матбуот илдизлари», «Оммавий ахборот воситаларида Ислом масалалари ва мусулмонлар ҳаётининг ёритилиши», «Оммавий ахборот воситалари ишини ташкил этиш ва Исломни тарғиб қилишда уларнинг роли» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Маърузалар орасида ўтказилган амалий машғулотларда университет талабалари ҳам фаол қатнашиб, журналистика соҳаси бўйича имконият ва истеъдодларини намоён этишди.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди



Улардан қувонаман

Мустақиллик шамоллари эса бошлаган дастлабки йиллар эди. Жума намозининг маърузасида имом домла баъзиларга хитобан шундай деб қолдилар: «Ҳой биродар, қўлтигингдаги ароғинг масжидга келишингга монелик қилаётган бўлса, уни бир жойда қолдир-да, бу ёққа кир, бу ерда бўладиган гапларни эшит, намозни ўқи. Жилла курса, ҳафтасига бир марта жумага ке, гуноҳларингни Аллоҳдан сўра».

— Гапни қаранглар, — деди

ган паллалар. Бир биродаримиз билан сафарга чиқдик. Суҳбат чоғида тижорат йўлига кирмоқчилигини айтиб қолди.

— Бўлмайди, — дедим бош чайқаб.

— Нимага, Пайғамбаримиз тижорат қилинлар, бойинглар деган эканлар-ку, — деди.

У ичарди. Бировнинг ҳақидан қўрқмасди. Ҳар куни қўлига пул тушгач... косаси оқармаслигини айтиб:

— Тижорат иши ниҳоятда нозик, покиза ва ҳалол иш, — дедим.

— Ҳамма тижоратчилар ичмайди, ҳалол дейсизми? — дея

бозорни чиндан ҳам обод қилишган.

Китоб

Бир тийин устиди етти думалайдиган зиқнароқ биродаримиз бор эди. Бир куни бизни меҳмонга чақириб қолди. Ишониб-ишонмай борсак, энди қозонга унналаётган экан. «Бундан баттари бўлмайди, ўчоқни овора қилманг, нон-чой ичиб қўя қоламиз», деб кулишдик.

— Йўқ, — деди у хафа бўлгандек, — унчалик эмас, битта гўшт, битта гуруч қилиб ошни дамлаб қўйган эдик,

Эркин МАЛИК

ҚАЛБ ГАВҲАРИ ЖИЛОЛАРИ

ёнимда ўтирган одам имомга маломат қилиб, — Аллоҳ ароқни ҳаром қилган-ку...

Ўшанда суҳбатдошимга «чурқ» этиб бир нима дея олмаган эдим. Чунки бу соҳада билимим ҳаминқадар эди. Бироқ имомнинг сўзларини ўрни келганда биродарларимга айтиб бердим. Баъзилари ҳафтада бир жумага бориб юришди. Аллоҳ нимани нима учун ҳаром қилгану, нимани ҳалол қилган, қайси ишлар гуноҳи кабираю, қайси ишлар савоб... буларни аста-секин фарқлай бошлашгач, «ўша»лардан шундай тақводор инсонлар етишиб чиқдики, беш вақт намозга нафл намозларни қўшиб ўқийдиган, нафл рўзалар тутадиган бўлишди. Яратганнинг йўлида илмларини зиёда қилиб, маромига етказиб, амри маъруф қилиш даражасига етишди. Уларнинг покликка, имон-эътиқодга чорловчи мақолаларини, китобларини ўқиб қувонаман.

Тавба

Дунё эшиклари бизга, бизнинг эшикларимиз дунёга очил-

1 «Фисабиллаҳ», демоқчи.

эътироз билдирди у.

Таниган тижоратчиларини бир чеккадан санадим, бари ёввойи алафдек бир гуркирабдию курибди. У узоқ ўйланиб қолди.

— Жа ташлаш қийин-да, кўп уринганман, — дея зорланди.

— Ниятни қатъий қилиб, Аллоҳга тавба қилиш керак, тамом.

— Шугинами?

— Беш вақт намоз... ҳам, — дея кўшиб қўйдим.

— Намоз? Нимага?

— Намозми, намоз тавбанинг меваси, Аллоҳга ибодат. Кейин намозхон одам ҳамиша таҳоратли юради. Таҳоратли одамни шайтон йўлдан уролмайди. Ҳамшишларингиз ҳам «бу ёққа юр» дейиша олмайди.

Гапни бир ерга қўйиб, жума намозига бордик. Буни қаранг, имом домла худди олдиндан келишиб қўйгандек, тижоратнинг ҳалолу ҳаромлари, макруҳлари, устама фоизлари ҳақида шундай маъруза қилдики, биродаримизнинг кўзлари ярқ этиб очилди.

Мана, орадан йиллар ўтди. Биродаримизнинг ишлари юришганидан юришиб ётибди. Унинг йўлини тутганлар эса,

қўшнимнинг хотини йиғлаб чиқиб келди. Қуда томон келган экан. Қўлга сув бериб, ошнинг тузини кўришса, номақоб қилиб қўйибди. Яхшики, бизам ош дамлаган эканмиз.

— Ундан чиқди пуллаворибсиз-да, бўпти, куругини бериб қўяқолинг, ош егандай кетоврамиз, — дедик биз ҳам бўш келмай.

— Қўшни учун бир қозон ош нима бўпти, — деди у жиддий, — бир китоб ўқидим, денглар. Аҳмад деган одам ҳажга борадиган пулини қўшнисига бериб, ҳаж савобини олган экан. Менам пийсабилло¹ ҳадя қивордим.

— Э, ўлманг, — дедик астойдил қувониб, — Сиз ҳам Худо хоҳласа, ҳаж савобини олибсиз, биз ҳам унга шерик бўлибмиз.

Қаранг, битта китобдаги битта ривоят биродаримизни қанчалар ўзгартириб юборибди. Бунақа китоблар бугун кўплаб нашр этилаётир.

Бугун Ватан ҳам, юрак ҳам, хуллас, кўп нарсалар хур ва озод. Қалб гавҳарининг нурило жилolari шундан аслида...

ЭНГ СОДИҚ ДЎСТАЛАР

Инсон кимни яхши кўрса, муҳаббат қўйса, доимо уни соғиниб яшайди. Унинг ҳар бир айтган сўзини ўзи учун қонун деб билади ва амал қилади. Бу билан унга бўлган муҳаббатини намоён этади.

Мўминлар Аллоҳга муҳаббатини зиёда кишилардир. Доимо унинг жамолини соғиниб яшайдилар ва шу мақсал йўлида яхши амаллар қиладилар. Аллоҳга муҳаббат боғлаган солиҳ кишиларни дўст тутадилар. Зеро, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Дўстларни кўпайтиринглар, албатта қиёмат кунинда ҳар бир биродар учун шафоат қилиш бордир», «Аллоҳни ёдга олсанг, бунда сенга ёрдам қилгувчи, у Зотни унутсанг, эсингга солгувчи дўстларинг энг содиқ дўстларингдир» деганлар.

Аллоҳ учун дўстлашган мўминларни Аллоҳ ҳам дўст тутати.

Анас (р.а.) ривоят қиладилар: «Бир одам Расулуллоҳ ҳузурларида ўтирган эди, бир киши ўтиб қолди. Ўтирган одам деди: «Ё Расулуллоҳ, мен бу одамни яхши кўраман». Расулуллоҳ (с.а.в.): «Яхши кўрганлигингни унга билдирдингми?» деб сўрадилар. У киши: «Йўқ, билдирмадим», деди. У зот: «Билдиргин», дедилар. У киши югуриб бориб ҳалиги одамга: «Мен сени Аллоҳ учун яхши кўраман», деди. Шунда йўловчи: «Сен мени ким учун яхши кўрган бўлсанг, у Зот сени яхши кўрсин», деди.

Сарвари олам (с.а.в.) бир ҳадисда айтадилар: «Аллоҳнинг шундай бандалари борки, улар пайғамбар ҳам эмас, шаҳидлар ҳам эмас, лекин қиёмат кунини

уларга берилган манзилни пайғамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам ҳавас қиладилар». Саҳобалар сўрашди: «Улар кимлар?» Расулуллоҳ (с.а.в.):



«Улар Аллоҳ учун дўстлашган кишилардир. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, қиёматда уларнинг юзлари нурли бўлиб турадилар ва нурнинг устида юрадилар ва одамлар ташвиш ва қўрқинчда бўлганларида улар қўрқмайдилар, ғамгин ҳам бўлмайдилар», дедилар.

Абу Мусо ал-Ашъарий (р.а.) айтадилар: «Бир киши Расулуллоҳдан (с.а.в.) сўради: «Бир киши бир жамоани дўст тутар ва ўзи уларнинг мартабаларига етмаган эди. Қиёмат кунининг ҳоли нима бўлади?»

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Қиёматда ҳар ким суйгани билан бирга бўлур», деб жавоб бердилар.

Аллоҳ таоло барчамизни ўз дийдорини кўришга муяссар айлаб, улуг фазлу раҳматига олсин ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шафоатларидан насиб айласин.

Абдулфаттох ТЎХТАБОЙ ўғли,

Фарғона вилояти Бешариқ тумани Рапқон қишлоқ «Фирдавс» жомеъ масжидининг имом-хатиби



МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ЙИЛНОМАСИ

1993 йил сентябр. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик юбилей тантаналари ўтказилди.

1993 йил 23-24 октябр. Самарқанд шаҳрида «Имом Бухорий ҳаёти ва у яшаган давр» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.

1996 йил август. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланиб «Амир Темур ва маънавият» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

1997 йил 19-20 октябр. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тантаналари кенг нишонланди.

1997 йил 3-4 декабр. «Жамиятдаги миллатлараро ва динлараро тотувликни барқарорлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлди.

1998 йил 23 сентябр. Тошкентда муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратларининг 90 йиллик таваллудига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, намозни тўқис адо этган, закотни ато қилган ва ёлғиз Аллоҳдангина қўрқадиган зотларгина обод қилурлар».

(Тавба, 18-оят мазмуни)

УЧИНЧИ БОР ТИКЛАНГАН МАСЖИД

ЁХУД

«ХЎЖА АҲРОР ВАЛИЙ» ЖОМЕИНИНГ ТАРИХИ ВА БУГУНИ ҲАҚИДА

XIV – XV асрларда Тошкент кенгайиб, шаҳар тусини олди. Шаҳар марказидаги Чорсу майдонида Регистон мажмуи вужудга келди. Бу мажмуа асосини ҳижрий 855 йилда (мил. 1451) қурилган жоме масжиди ва Хўжа Аҳрор Валий мадрасаси ташкил



этар эди. Шаҳар марказида жойлашган масжид ва мадраса муслмонлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу даргоҳга асос қўйган киши улуғ аллома бобомиз Хўжа Аҳрор Валий эдилар.

Замонасининг етук олим, давлат арбоби, халқпарвар бу инсон масжид ва мадраса қурилишига бош-қош бўлганлар. Масжиднинг ўша вақтдаги умумий майдони салкам бир гектар ерни эгаллаган. Бино баландлиги 15 метрча бўлиб, чўзиқ тўртбурчак шаклидаги ҳовли бинолар билан ўраб олинган. Шаҳардаги энг катта масжид бўлганлиги учун шаҳар уламолари, қозилар шу ерда иш юртишган. Оддий халқ масжидни «Мажжомеъ» деб атар, машҳур Мусҳафи Усмон ҳам шу ерда сақланар эди.

Йиллар ўтди... Чоризм истилоси йиллари масжид тамоман хароба ҳолга келган эди. Ерли халқнинг норозилиги кучайишининг олдини олиш мақсадида император Александр II топшириғи билан 1888 йили Хўжа Аҳрор Валий масжиди қайта қурилган. Бунда ёдгорликнинг асл ҳолидан фақат айрим бўлақларигина сақланиб қолган. Қурилишда асосан ҳарбий мутахассислар ишлаган. Бино бу сафар қоришиқ услубда қурилган.

Масжиди жомеъ ёнидаги Хўжа Аҳрор Валий мадрасаси бутунлай бузиб ташланади. Бундан чиққан қурилиш ашёлари жомеъ масжидини таъмирлаш учун ишлатилган.

Советлар даврига келиб эса, бир вақтлар шаҳарнинг кўрки ҳисобланган ушбу тарихий иншоот – энг катта масжид спиртли ичимликлар сақланадиган омбор, ишлаб чиқариш цехлари сифатида фойдананилади. Натижада масжид биносига жиддий талафот етказилган.

Истиқлол йилларига келиб, мамлакатимизда тарихий обидаларни, ёдгорликларни асраш, уларни қайта таъмирлаш каби хайрли ишлар кенг қўламда амалга оширила бошлади. Албатта, бундай обидаларни асл ҳолга қайтариш савобли ишдир. Хўжа Аҳрор Валий масжиди жуда аянчли ҳолатга келиб қолган эди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, масжиднинг ҳолатини ўрганиб чиқиш учун махсус ҳайъат тузилди. Тошкент шаҳар ҳокимияти, маданият ишлари вазирлиги томонидан ҳам махсус қарорлар чиқарилди. Ҳолат ўрганилиб, эски бинони қайтадан таъмирлашга рухсат берилди. Шу зайл масжиднинг эски




биноси тамоман бузиб ташланди ва 1997 йил 12 февралидан янги замонавий-шарқона услубдаги масжид қад ростлай бошлади.

Байтуллоҳда қайтадан азон янгради...

Қурилиш ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Бу улкан хайрли ишларни амалга оширишда бош

Истиқлол сўровномаси



уста Абдулахад Абдурахимов, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Тошкент шаҳар бўйича вакили Анвар ҳожи Турсунов, масжид мутаваллиси Бахтиёр Акбаров, қурилиш ишлари бўйича ишбоши Мирраҳмат Саъдиевлар бош-қош бўлмоқдалар. Қурилишда республикамизнинг турли жойларидан, хусусан, Хоразм, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарёдан келган усталар, меъморлар ишлашяпти. Тошкент шаҳар хокимияти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси қурилишга катта ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, шаҳарнинг кўпгина қурилиш ташкилотлари ҳам ўзларининг ҳолисона ёрдамларини аямаяптилар. Масжид ҳашар йўли билан бунёдга келмоқда. Ҳозирги кунда асосий ишлар ниҳоясига етди.

Ушбу даргоҳнинг умумий майдони 1,7 гектар жойни эгаллаган бўлиб, унда 15-20 минг кишилик жамоат бемалол намоз ўқиши мумкин.

Масжид шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган. Шаҳарнинг турли йўллари намозхонларни масжидга бошлайди. Қулайлик учун масжидга бир неча қўшимча дарвозалар қурилмоқда. Шаҳарнинг кўрки, гултожи бўлган бу бино шарқнинг гўзал меъморий санъатини ўзида мужассам этиб кўрсата оладиган бир масжид бўлиб қолади, иншааллоҳ.

Меҳрибон Аллоҳдан Хўжа Аҳрор Валий масжидини бино қилаётган барча инсонларнинг ҳақларига дуолар этиб, уларни бу ғоятда хайрли ишларига Аллоҳдан қувват, тавфиқ тилаймиз.

Зеро, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Кимки Аллоҳ учун бир уй, масжид бино қилса, Аллоҳ унга жаннатда ундан-да кенгроқ бир уй бино этади», дея марҳамат қилганлар.

Юсуф СОБИР

1. Мустақиллик давридаги диний аҳвол тўғрисида гапириш учун, албатта, яқин ўтмишда кечган диний ҳолатга назар ташламай иложимиз йўқ.

Собиқ Иттифоқ даврида динга асосий қаршилик кўрсатиб турилганига қарамай, мусулмонлар яширин бўлса ҳам масжидларга бориб, Имоми Аъзам мазҳабида ибодат қилиб келар эдилар.

Халқ диний илмлардан узоқда қолган, китоблар чоп этилмас эди. Дин тўғрисидаги маълумотларни дахрийлик руҳидаги китоблардан олишга мажбур эдик. Ота-боболаримиздан қолган араб, форс тилидаги китобларни ўқиёлмай, ҳатто нима ҳақдалигини ҳам билолмай, томоша қилишдан нарига ўтолмас эди.

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли

ТАҚВО АЛЛОҲ УЧУНДИР




Мустақиллик даврида диний эркинлик қарор топди. Шукрим, Ватанимизда Имоми Аъзам мазҳабида тўғри ибодат қилишни ўргатувчи диний китоблар нашр қилинмоқда. Улуғ алломаларимиз Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий ва бошқаларнинг ноёб асарлари чоп этилди.

2. Ўзимнинг диний ҳаётимдан қониқмайман. Диний ҳаёт аввало тақводир. Ҳеч ким, менимча, тақвосидан қониқмайди.

3. Иложи борича қатъий амал қилишга уринаман. Инсон хатокордир. Албатта, менинг ҳам хатоларим бор. Биз Расулulloҳдан (с.а.в.) ибрат олишимиз керак. У зоти бобаракотнинг ахлоқлари тўғрисида сўрашганида Оиша онамиз (р.а.): «Уларнинг ахлоқлари Қуръон эди», деган эканлар. Шундай ҳолда Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам, «Мен ҳар куни етмиш бор истиғфор айтаман», деб марҳамат қилганлар.

Демак, биз ҳам ҳар бир қадамимизни оят ва ҳадисга мувофиқ босишимиз ва қалбимизнинг поклигини сақлашимиз лозим.



РАЖО ИБН ҲАЁ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Сулаймон ибн Абдумалик амирул мўминин бўлган даврда Ражо ибн Ҳаёнинг обрўйи янада юксалди. Сулаймон ҳар ишни у билан бамаслаҳат бажарар эди. Уларнинг ўзаро муносабатлари жуда самимий эди.

Ражо валиаҳд танлаш ё Умар ибн Абдулазизни сайлаш масаласида ҳам Ислом олами ва мусулмонлар учун жуда катта хизматлар қилди.

Ражо ибн Ҳаёнинг ўзи шундай ривоят қилади:

«Ҳижрий тўқсон тўққизинчи йили сафар ойининг биринчи жума кунда амирул мўминин Сулаймон ибн Абдумалик билан Добиқа деган мавзегга бордик. (Бу мавзе Суриянинг Ҳалаб шаҳридадир. Рум шаҳарларини фатҳ этишда Бани Умаййа шу мавзегга тушган эди. Сулаймон ибн Абдумаликнинг қабри ҳам шу ерда.) У укаси Маслама ибн Абдумалик раҳбарлигида Қустантаняга жуда катта кўшин юборди. У билан ўғли Довуд ва оиласидан кўпчилик бирга кетган эди.

Сулаймон: «Ё ўламан ёки Қустантаня ерларини фатҳ этаман, шунгача Добиқа яйловларидан кетмайман», дея қасам ичган эди.

Жума намозига яқин амирул мўминин таҳорат олди, сўнг яшил хуллани (кийимини) ва сал-

ласини кийди. Ўзига ўзи мафтун бўлди, кўзуга қараб гурурланди. Ёши роппа-роса қирқда эди.

Кейин масжидга бориб, жамоат билан жума ўқиди. Бироқ негадир унинг иситмаси кўтарилди, кундан-кунга касали зўрайди.

Мендан узоқ кетмаслигимни сўради.

Бир куни унинг ҳузурига кирсам, хат ёзаётган экан.

— Нима қиляпсиз, эй амирал мўминин? — деб сўрадим.

— Ўғлим Аййубга валиаҳдлик борасида васиятнома битмоқдаман.

— Эй амирул мўминин, халифанинг зиммасидаги энг масъулиятли амаллардан бири ўзидан кейин солиҳ бир кишини ўрнига қолдиришдир. Ўғлингиз Аййуб балоғатга етмаган ёш бола бўлса, қолаверса, унинг бу ишга лаёқатини ҳам билмайсиз.

Сулаймон ўйланиб қолди ва хатни йиртиб ташлади...

Орадан бир-икки кун ўтди. Ёнига мени чорлаб, ўғли Довуд хусусида фикримни сўради. Унинг Қустантаняга кетганини, ўлик ёки тирклиги номаълум эканини сўзладим.

— Унда маслаҳат бер, эй Ражо!

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, эй амирул мўминин.

Бироқ мен номзодлар ичида Умар ибн Абдулазизнинг тилга олиншини жуда-жуда истар эдим. Натижа мен кутгандек бўлди.

— Умар ибн Абдулазиз ҳақида фикрингиз қандай? — дея сўради у.

— Валлоҳи, мен уни фозил, комил, оқил ва художўй инсон сифатида биламан.

— Тўғри айтдингиз, — деди амирул мўминин. У худди сиз сифатлаганчадир. Бироқ мен уни бошлиқ қилсам, Абдумалик авлодларини ушбу мансабдан маҳрум этиб қўяман. Улар орасида фитна чиқиши ҳам мумкин.

— Бўлмаса, Умар ибн Абдулазизга улардан бирини шерик қилиб, ундан кейин номини ёзинг, — дедим мен.

— Рост айтасиз, бу иш уларни қаноатлантиради, тинчлантиради, албатта, — деди амирул мўминин.

Кейин хат ёзишга киришди.

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аллоҳнинг бандаси амирул мўминин Сулаймон ибн Абдумаликдан Умар ибн Абдулазизга мактуб.

Маълум бўлғайким, мен уни ўзимдан кейин мўминларга амир этиб тайинлайман, ундан кейин эса Язид ибн Абдумалик бўлишлигини васият қиламан.

Унга бўйсунинглар! Аллоҳдан қўрқинглар ва ихтилофга борманглар».

Сўнг мактубни муҳрлаб, менга берди.

Аскарбоши Каъб ибн Ҳомиздан оила аъзоларини тўплашни сўради: «Ражо ибн Ҳаёнинг қўли-

даги хатни мен ёздим. Барчани хатда исми кўрсатилган кишига байъат беришга буюргин».

Аскарбоши буйруқни бажарди. Тўпланганлар дедилар:

– Амирул мўмининнинг буйруғига бўйинсунамиз. Тайинланган одамга итоат этамиз.

Сўнг уларнинг ичкари кириш хусусидаги илтимоси қондирилди. Улар амирул мўминин олдида тўпландилар.

– Ражо ибн Ҳаё қўлидаги мактуб меники. Унда кимнинг бош бўлиши кераклигини васият этганман. Мен кимнинг номини ёзган бўлсам, унга итоат этинглар, байъат беринглар.

Улар бирма-бир розилик бердилар.

Кейин ичида нима ёзилганини мен билан амирул мўмининдан бошқа бирон кимса билмайдиган мактубни қўлимга олиб, ташқарига чиқдим. Одамлар тарқади.

Умар ибн Абдулазиз ёнимга келиб айтдики:

– Эй Абу Миқдам, албатта, амирул мўминин мен ҳақимда яхши фикрдалар, у киши менга кўп яхшилиқлар қилганлар ва дўстона муносабатда бўлганлар. У киши менга бирон иш юклаб қўйишидан қўрқаман. Барака топгур, ўзаро дўстлигимиз ҳаққи-ҳурмати, хатда менга тегишли гап бўлса, ундан мени хабардор қилгин. Менда узр айтишга имкон бўлади.

– Йўқ, Аллоҳга қасамки, сенга хатдаги бирон бир ҳарфни ҳам айтмайман, – дедим мен.

У ғазабланди, юзини четга бурди. Бир оздан сўнг Ҳишом ибн Абдумалик менга айтдики:

– Эй Абу Миқдам, ўзаро дўстлигимиз ҳаққи, хатдан мени хабардор қилгин. Агар мансаб менга васият этилган бўлса, жим бўламан, акс ҳолда, амирул мўминин билан бориб гаплашаман. Чунки мен бу мансабдан четда қолмаслигим керак. Сўз бераманки, сирни ҳеч кимга айтмайман.

Мен унга:

– Валлоҳи, мактубнинг бирон ҳарфини ҳам айтмайман, – дедим қатъиян.

У ғазабланди, ўзининг абдумаликлар авлодининг энг каттаси эканини таъна қилди. Сўнг ўлим тўшагида ётган Сулаймон ибн Абдумалик олдига кирдим. У ўлим билан олишарди, юзини қибла томонга бурмоқчи бўлдим.

У хириллаб:

– Эй Ражо, бу ишга ҳали вақт бор, – деди. Бир оз фурсат ўтди.

– Эй Ражо, мана энди вақт бўлди... Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадар Расулуллоҳ...

Унинг юзини қиблага бурдим. Ҳеч қанча вақт ўтмай, Сулаймон ибн Абдумалик жон таслим қилди. Унинг кўзларини ёпдим, устига кўк бахмал ташлаб, эшикни беркитдим ва ташқарига чиқдим.

Амирул мўмининнинг рафиқаси бемор эри ҳолидан хабар олиш учун одам юборибди. Эшикни очиб, ўша одамга:

– Қарагин, узоқ бедорликдан сўнг эндигина тинчланди, уни тинч қўйинглар, – дедим.

Бу хабар амирул мўмининнинг хотинини хотиржам қилди. Узим эшикни мустаҳкамлаб, уни ҳеч ким оча олмаслигига ва унинг олдига ҳеч ким кира олмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Жасадни кўриқлаб ўтирдим. «Амирул мўмининнинг аҳволи қандай?» деб сўраганларга, «Касал бўлганидан бери энди тинчланди», деб жавоб қилардим.

– Алҳамдулиллаҳ, – дейишарди улар.

Аскарбоши Каъб ибн Ҳомизга одам юбордим. У Добиқа масжидига халифанинг барча уруғ-аймоғини жамлади.

– Амирул мўмининнинг мактубида айтилган кишига қўл беринглар, – дедим уларга.

– Бир марта қўл берганмиз, яна такрорлаймизми? – дейишди улар.

– Бу амирул мўмининнинг фармонидир, шунга кўра иш тутмоқдаман, – дедим қатъий.

Улар бир-бир келиб, талабимни бажардилар.

Буйруқни яна бир бор мустаҳкамлаб олгач, айтдимки:

– Албатта, соҳибингиз вафот этди. «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун».

Сўнг мактубни ўқидим. Гап Умар ибн Абдулазизнинг бош бўлиши нуқтасига етганида, Ҳишом ибн Абдумалик:

– Унга ҳеч қачон байъат бермаймиз, – деб бақирди.

Мен эса:

– Аллоҳга қасамки, бошинг кетади, йўқса, байъат бер, – дедим.

У базўр турди ва Умарнинг олдига келиб: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун», деди.

Ҳишом амирлик ўзига ҳам, Абдумаликнинг бошқа авлодларига ҳам васият қилинмаганидан афсусланиб истиржоъ (мусибат пайтида айтиладиган дуони) айтди.

Умар эса: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун», дея ўзи истамаган ҳолда бош бўлганига афсусланиб истиржоъ айтди.

Шундай қилиб, Исломни қувватлантириш учун Аллоҳ таоло байъатни янгилади ва унга нур бағишлади».

Мусулмонлар амири Сулаймон ибн Абдумаликнинг жойи жаннатда бўлсин.

У ўздан кейин солиҳ бир кишини амир қилишлик билан Аллоҳ таоло олдидаги бурчини бажарди.

Тўғрисўз вазир Ражо ибн Ҳаё ҳам саломат бўлсин.

Ражо Аллоҳ ва унинг Расулига (с.а.в.) итоат қилиб, мусулмонларга самимий хизмат этди. Аллоҳ таоло унга ажру савоблар ато қилсин.

Зотан, Ражо ибн Ҳаёнинг ойдин фикрлари билан салтанат эгаларининг ҳидоятга мушарраф бўлганлиги айни ҳақиқатдир.

Баҳодир НУРМУҲАММАД
тайёрлади

Азиз АБДУРАЗЗОК,
шоир

СОҒЛОМ АВЛОДДАН АЙЛАНСАНГ АРЗИР



Соғлом авлод деганда биз кимни кўз олдимизга келтирамиз? Тану жони соғ, рақибини ёки душманини бир мушт уриб йиқитадиган полвон одамнигина тушунамизми? Йўқ, албатта. Соғлом одам биринчи галда маънан-руҳан соғ-саломат бўлмоғи керак. Бунинг учун улуғ болларимиз уқтирганларидек, зарралаб илмни эгаллаш зарур. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Бешиқдан то қабргача илм изла», деганларида, аввало, шуни назарда тутганлар.

Илм таҳсилига ҳаммани ҳам лаёқатли деб бўлмайди. Аммо ҳамма ҳам китоб ўқишга қодир-ку. Ҳар куни ҳеч бўлмаганда бир-икки варақ китоб ўқиш қийин иш эмас. Лекин баъзилар китоб ўқишдай буюк неъматдан ҳам бебахрадирлар. Китоб ўқиш ўрнига улар беҳуда лақиллаб юришни, валақлашиб ўти-

ришни маъқул кўришади. Бунақалар саводсизликни ўзига пеша қилиб олган но-соғлом одамлардир.

Ҳозир кўп ёшлар ўзларини бозорга урган. Тўғри, тирикчилик учун ҳаракатнинг айби йўқ. Аммо бойлик орқасидан қувиш, мен сендан ўзаманга берилиш, мол-дунё деб маънавиятни эсдан чиқаришни, китоб мутолаа қилмасликни қандай тушунмоқ керак?

Одий мисолларга мурожаат қилайлик. Бир йигит бозорда кийикўтини сотиб ўлтирибди. Бошқалар ҳам молимдан олсин деган умидда кийикўтининг номини «Олений трава» деб ёзиб қўйибди. Мен уни кўриб кулдим.

— Нега куласиз? — деди сотувчи.

— Бу ўт ўрисчада «олений трава» эмас, «чебрец» бўлади, — дедим.

Инсофи бор экан, раҳмат айтди-да, шуни ёзиб беринг, деб илтимос қилди.

Бир куни автобус бека-тида учта қизни учратдим. Кийимлари шу қадар ғайритабиий эдики, учалови ҳам эртақлардаги ажиналарга ўхшаб қолган эди. Шу пайт ёнимиздан бамаъни кийинган мастура қизлар ўтиб қолишди. Шунда ҳалиги уч қиз уларни масҳара қилиб кулишди.

Ёз кунларининг бирида Паркент бозорига бордим. Бозор айна қизиган пайт. Пештахталар устида сотиладиган моллардан ташқари магнитапўнлар сайраб турибди. Чет эл мусиқалари ва кўшиқлари босиб кетган. Тавба, ўзи тушунмайдиган ўзга тилдаги бу мусиқаю кўшиқларни эшитаётган йигитчалар кимларнинг фарзандлари? Ўзимизнинг миллий мусиқаларимиз, шашмақомларимиз қаёқда қолди? Бунақа жангир-жунгурларга қизикувчи йигитчаларда эрта-индин миллий руҳдан асар қолармикан?

Савдо қилаётган йигитларнинг аксарияти калта иштон (шортик) кийиб олган. Майли, жуда агар кийинг келган бўлса, уйингда кий. Жамоат жойларига эса, шунга лойиқ кийимда чиқ. Ахир, ўзаро ҳурмат ҳам керак-ку одамга! Улардан бирига айтдим:

— Сенинг пулинг бор, иштонинг йўқ. Менинг иштоним бор, пулим йўқ.

Парво ҳам қилмади. Бундай воқеалар кўп учраб турибди. Булар бари илмсизлик, саводсизлик оқибатида содир бўлмоқда. Шу ўринда бир ривоят эсимга тушди:

«Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир йигитни ҳузурларига чорлаб:

— Мен сени фалон туман-

га ҳоким этиб тайинлайман,
— дебдилар.

Йигит ўрнидан туриб,
қўлини кўксига қўйибди-да:

— Мен тайёрман, ё Расу-
лulloҳ, — дебди.

Шу пайт ваҳий келибди:
«Бу йигитнинг бир соатлик
умри қолган». Пайғамбари-
миз (с.а.в.): «Буни йигитга
айтайми, айтмайми?» деб
сўраган эканлар, «Айтинг»,
деб жавоб қилинибди.

— Кечирасан, — дебдилар.
— Сенинг бир соатлик ум-
ринг қолибди.

Йигит яна ўрнидан туриб:
— Мен тайёрман, — деб-
ди. — Энди шу соат ичида
мен нима қилай? Қуръон
ўқийми ё намоз ўқийми?

— Илм ўргангин, — деб-
дилар Расулulloҳ (с.а.в.).

Муқимжон исмли китоб-
фуруш бир танишим бор.
Унинг айтишича, бир аёл
уйи тўла китоб эмиш-у, яна
доим тинмасдан китоб харид
қилар эмиш. Ўша аёл Му-
қимжонга бир қанча кито-
бларнинг рўйхатини бериб,
шуларни менга топиб ке-
линг, дебди.

— Шунча китобларни
қачон ўқиб тугатасиз? — деб
сўрабди Муқимжон.

— Бу китоблар ёлғиз ўзим
учун эмас, — дебди аёл. — Бу-
ларни ўқиб бўлиб, неварам-
га мерос қилиб қолдирмоқ-
чиман...

— Неварангиз неча ёшда?
— Яқинда туғилди, —
дебди аёл.

Яхши ниятни қаранг.
Шундай соғлом авлоддан
айланай!

Бу борада қанча гапирил-
са оз. Китоб ўқимайдиган,
вақтини бекор ўтказадиган
ёшларга Аллоҳдан инсоф
сўраймиз.

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Бешинчи сабоқ

НАЖАС ТЕККАН НАРСАЛАРНИ ТОЗАЛАШ

Ислом динининг имондан
сўнгги иккинчи рукни бўлган
намознинг ўн икки фарзидан
учтаси тозалик билан боғлиқ.
Улар намоз ўқувчининг жисми,
кийими ва намоз ўқийдиган
жойи нажасдан пок бўлишини
талаб этади..

Нажас ғализа (оғир) ва ха-
фифа (енгил) турларга бўлина-
ди. Уй паррандалари ва ҳайвон-
ларининг тезаклари, инсоннинг
олди ва ортидан чиққан чиқит-
лар, қон, йиринг ва хамр
(ароқ) ғализадир. Гўшти ейила-
диган ҳайвонларнинг сийдикла-
ри ва йиртқич қушларнинг те-
заклари хафифадир.

Ғализа нажаси дирҳам ё ун-
дан кам миқдорда кийим-бош-
га текса ё намозжойда бўлса, на-
мозни бузмайди. Аммо уни
ювиш вожиб бўлади. Дирҳам
миқдоридан ортиқ ғализа на-
жасни имкони бўла туриб юв-
май намоз ўқиш мумкин эмас.

Ғализа нажас қуюқ бўлса,
унинг бир мисқол оғирлиги,
сууюқ бўлса, кафт кенглигида-
ги миқдори «дирҳам миқдори»,
деб эътибор қилинган. Бу ўрин-
да, очиқ ҳолдаги кафтнинг сув
турадиган қисми кафт кенгли-
ги ҳисобланади.

Кийимнинг тўртдан бирига
ё ундан кам миқдорига хафифа
нажас теккан бўлса, намозга
зиён қилмайди. Лекин уни
ювиш вожибдир.

Кийимнинг тўртдан биридан
кўпида хафифа нажас бўлса,
уни ювишга қодир бўла туриб
ювмай намоз ўқиш ножоиздир.
Бу ўринда енг, пойча, этак каби
кийим бўлаклари алоҳида ки-
йим деб қабул қилинган. Демак,

бир енгнинг тўртдан биридан
кўпида хафифа нажас тегса, у
кийим билан намоз ўқиб
бўлмайди.

Нарсалар сув ва бошқа тоза-
ловчи суюқликлар билан нажас-
дан покланади. Теккан нажас
кўзга кўринадиган бўлса, ювиб
кетказиш билан нарса тоза бўла-
ди. Нажас сийдик каби теккан
жойида кўзга яхши кўринмаса,
уч бор ювиб уч бор куч етгунча
сиқиш билан кийим пок бўла-
ди. Агар нажас теккан нарсани
сиқишнинг иложи бўлмаса, уни
уч бор ювиб уч бор томчи қол-
магунча қатрон қилиш керак.
Бундай нарсалар ювилгач, илиб
кўйилади ва ундан томчи том-
май қолгач, яна ювиб илинади.
Бу иш уч бора бажарилгач, на-
жас теккан нарса тоза бўлади.

Махсига ё оёқ кийимида те-
зак каби нажас тегиб қуриган
бўлса, уни ерга ишқаш билан
тоза бўлади. Сийдик ё бошқа
ҳўл нажасдан эса, юқорида ай-
тилган тартибда уч бор ювиб уч
бор қатрон қилиш билан покла-
нади.

Пичоқ каби сайқалли нар-
саларга нажас текса, ерга ё
бошқа нарсага суртиш билан
ҳам тоза бўлади.

Нажас тушган ерда қуриб,
асари қолмаган бўлса, у жойда
намоз ўқиш жоиз. Аммо унга
тайаммум қилиб бўлмайди.

Палос ва гилам каби сиқиб
бўлмайдиган нарсаларга нажас
текканда, улар бир кеча-кун-
дуз оқар сувда чўндириб кўйиш
билан тоза бўлади.

Муҳаммад СИДДИҚ



МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ЙИЛНОМАСИ

1998 йил 23 октябр. Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан Самарқандда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

1998 йил 24 октябр. Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

1999 йил 2 март. Тошкент шаҳрида «Миллатларро ҳамжихатлик барқарорлик омили» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

1999 йил 19-20 ноябр. Тошкентда «Имом Мотуридий мероси ва унинг Марказий Осиё маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлди.

2000 йил 16-17 ноябр. Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги кенг нишонланди.

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ,
Ўзбекистон Миллий университети дотсенти,
филология фанлари номзоди

Истиқлол сўровномаси

ҚАНИЙДИ МУНОСИБ БЎЛОЛСАК

1. Миллат мустамлака қилиниши биланоқ биринчи навбатда муқаддас динимизга, эътиқодимизга дахл қилинди. Шоир Фурқатнинг «Қоziю муфти, аълам доим ҳазину маъюс, дин посини тутай деб зиндони гама да махбус. Бечоралар на қилсун...» дея изтироб чеккани шундан.

Мустамлака сиёсатининг кейинги босқичи – советлар замонидинга, эътиқодга қарши кураш очиқ тус олди. Намоз ўқиганлар таъқиб этилди. Рўздорларнинг рўзаси мажбуран очирилди. Даҳрийлик давлат мафқураси этиб белгиланди. Нима учун? Мақсад – миллатни қул, авлодларни беватан қилиш эди.

Алҳамдулиллаҳ, бугун мазкур ҳол тарихга айланди. Миллий истиқлолнинг ўтган ўн йили давомида диний қадриятларга эҳтиром давлат сиёсати миқёсига эришди. Биргина мисол. Совет тузумининг илдизига қурт тушган 80-йиллар охирида уламоларимиздан бири биз Мовароуннаҳр мусулмонлари Имом Абу Мансур Мотуридий ақидавий мазҳабида эканлигимизни гапириб қолди. Мен у ки-



шидан бу улуғ зот ҳақида, қандай асарлар ёзганлиги хусусида кенгроқ маълумот беришни ўтдим. Афсуски, ўшанда бу ҳақда қониқарли жавоб ололмаганман. Истиқлол бизга биринчи навбатда улуғ аллома аждодларимизни, пири комил боларимизни қайтариб берди.

Ҳар йили минглаб ватандошларимиз Каъбатуллоҳни тавоф қилишга мушарраф бўлаётганлиги, фарзандларимиз мадрасаларда, олий Ислом маъҳадида, Тошкент Ислом университетида таълим олаётганлиги... Булар барчаси Яратганнинг улуғ неъматлари. Ҳамма гап бу неъматлар шукрини муносиб адо қилишмизда.

2. Наинки диний ҳаётдан,

умуман, ўз фаолиятдан қаноат ҳосил қилиш худбинлик дейилади. Худбинлик ўзига маҳлиё бўлиш демакдир. Бу иблис алайҳилаънанинг сифати. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, дунёда яшашдан мурод – камолга эришмоқ. Ҳаммомга кириб поклонмай чиқиш қанчалик нодонлик бўлса, дунёга келиб камолотга эришмай ўтиш шунчалик ақлга номувофиқдир. Чинакам камолотга интилган одам ҳеч қачон худбин бўлмайди. Бошқача айтганда, ўзининг ҳаёт тарзидан қаноат ҳосил қилмайди.

3. Фақат касбим тақозоси бўлганлиги учун эмас, балки улуғ аждодларимиз маънавий меросига бўлган муҳаббатим боис, уларнинг асарларини кўпроқ мутолаа қилишга интиламан. Ўқиганларимдан уққанам шу бўлди: улар муайян оят ёки ҳадисни эмас, барчасини мезон билганлар. Ҳаммасига қатъий амал қилганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бир сўзи ҳикматга, муборак қалблари эса ҳикматлар ҳазинасига айланган. Қанийди, уларга муносиб авлод бўлолсак...

МАРҲУМНИНГ ЁШЛАРИ НЕЧАДА?

СЕН БИРНИ БЕРСАНГ

Бир куни ҳар хил ўйлар билан ишга кетарканман, «маошгача озроқ пул қолибди, амалласа, етиб қолар», деган фикр хаёлимдан ўтди. Энди ерости йўлига туша бошлаган ҳам эдимки, орқамдан кимдир чақиргандай бўлди. Ўгирилиб қарасам, ўтгиз ёшлардаги қотмадан келган бир ўрис йигити ийманибгина салом берди. Алик олиб:

— Қулоғим сенда, — дедим.

У йўл бўйида аравачали матасиклда ўтирган, ёшлари ўзидан анча катта икки кишини кўрсатиб:

— Биз Хўжанддан Русияга кетаётган эдик. Шу ерга келганда пулимиз тамом бўлиб қолди. Юртингизда ҳеч кимимиз йўқ. Нима маслаҳат берасиз? — деди.

...Чўнтагимга қўл тиқиб, ўзимга озроқ пул қолдирдим-да, қолганини унга узатдим.

— Олақол, уялма, ҳали йўлларингиз узоқ экан, қорнингиз ҳам оч бўлса керак.

Ишхонамизга кираверишда Содиқжон деган эски танишим кутиб турган экан.

— Ака, узр, минг бора узр, вақтида қарзингизни қайтара олмадим. Мана, имкон бўп қолган эди, олиб бу ёққа чопдим, — деб қарз олган мўмайгина пулни ташлаб кетди.

ҲИСОБИ АНИҚ

Бувам ёймачи-баққол эдилар. Ёшлари бир жойга бориб қолганига қарамай, худо берган куни каллаи саҳарлаб бозорга йўл олардилар. Қариндош-уруғларининг қатъий эътирозларига қарамай, юмушларини қўймас эдилар.

— Уялмай қўяқолларинг, мен ишдан тўхтасам, ўлиб қоламан. Аллоҳга шукр, фарзандларим топарман-тутарман, меҳрибон, рўзгорда камчилигим йўқ. Лекин имконияти қадар ҳар бир одам тирикчилигини ўзи ўтказиши керак, — деб айтар эдилар.

Ўқишдан кейин бозорга бориб у кишидан хабар олардим,

дам олиш кунлари эса, кун бўйи бирга бўлардик. Бувам камгап эдилар, бир қарашларидан нима демоқчи бўлаётганларини тушуниб олардим. Молларга баҳо қўйишда жуда эҳтиёткор бўлиб, «ҳалолдан қўймасин, текин барибир тешиб чиқади», деб кўп такрорлар эдилар.

Саккиз ёшларда бўлсам керак, бир куни йўлдан уч сўм пул топиб олдим. Бувам ҳам кўрдилар:

— Чўнтагингга солма, олиб бориб бирорта муҳтожга бер, — дедилар. Шу пайт рўпарадан ке-



лаётган уч-тўрт маҳалладош кишилар бувам билан сўрашиб кетишди. Мени болалик қилиб, пулни чўнтагимга солдим... унутдим.

Уйга кечқурун қайтдик. Бувам хуфтон намозини ўқиб, бир оз ҳордиқ чиқазганларидан сўнг савдодан тушган пулни санай бошладилар. Ўргансин деб мени ҳам ёрдамга чақирдилар. Ҳар доим икки марта санайдиган одам бу гал уч марта санадилар. Лекин кўнгиллари тўлмади.

— Ўғлим, негадир пул анча кам чиқяпти, қани, яна бир сана-чи, — дедилар.

Санадим, натижа бир хил эди. Кўзойнақлари устидан мена синчиклаб қараб:

— Сен ҳеч нарса олмаган эдингми, — деб сўрадилар.

— Йўқ.

— Нега бўлмасам кам чиқяпти? — деб хаёл сурдилар.

Мен ҳижолат бўла бошладим. Шу пайт бувам:

— Тўхта-чи, эрталаб топиб олган пулингни нима қилдинг? — деб сўраб қолдилар.

Секин чўнтагимдан пулни чиқардим.

— Мана, ёнимда.

— Мен нима деган эдим?

— Эсимдан чиқиб кетибди.

— Эй бўтам, текин топилгани тешиб чиқади барибир. Мана, касри бугунги савдоимизга урибди. Тез фалончи қўшнига чиқариб бер-да, тавба қил, — дедилар синиқ бир оҳангда.

КИРИЛЛЧАДА ЁЗГАНДА

Бир мўътабар онахон оламдан ўтдилар. У кишининг дафн маросимларига эртароқ бордим. Майит эгаларини бағримга босиб, Яратгандан уларга сабр тиладим-да, бир чеккага ўтдим.

Ҳамманинг боши эгик, ҳамма изтиробда. Баъзилар ёнларида турганлар билан шивирлашяпти. Орада бир танишимни кўриб қолдим. Шундоқ ортимда турган экан. Бир пайтлар каттароқ амалларда ишлаган, уни анчадан бери кўрмаган эдим. Кийиниши ҳали ҳам сатанг. Илгарилари ҳеч кимга гап бермас, ўзи чаласавдорроғ-у, олимликка даъвоси бўлар эди. Унинг хаёлида ундан ақлли ва доно одам йўқдай.

Кўзим ерда-ю, қулоғимга беихтиёр ёнимдагиларнинг шивирлари эшитилар эди.

— Мирза амаким ўтибдиларми? — деб сўради шериги.

— Ҳа, шундай бўп қолди. Ўтган куни гўрга кирдилар, — деб жавоб қилди танишим.

— Ёшлари нечада экан?

Эски танишим негадир кибр билан атрофга қаради-да, донолигини яна бир марта кўрсатиб қўймоқчи бўлдими, овозини баландлатиброқ:

Марҳумнинг ёшлари кириллчасига санаганда юз, арабча ёзувда эса, бир юз тўртда экан, — деди.

Омонуллоҳ МУТАЛ



Абдулхай АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент Ислом университети
проректори:

Ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни авайлаш, буюк аллома боболаримизнинг илмий асарларини ҳартомонлама ўрганиш, замон талаблари даражасида малакали кадрлар тайёрлаш, халқимизнинг саводхонлигини ошириш мақсадида Юртбошимизнинг 1999 йил 7 апрелдаги фармони билан Тошкент Ислом университети ташкил этилди.

Университетда ҳозир Ислом тарихи ва фалсафаси, фикҳ, иқтисод ва табиий фанлар факултетлари, диншунослик, исломшунослик, Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Шарқ тиллари, Ғарб тиллари, Информатика ва табиий фанлар, Жисмоний тарбия, Ҳуқуқшунослик кафедралари ишлаб турибди.

Университетда диншунослик, исломшунослик, Ислом ҳуқуқи, Халқаро иқтисодий муносабатлар, Информатика ва ахборот технологияси соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Талабалар бакалаврлик босқичи бўйича 4 йил, магистратура босқичи бўйича эса 2 йил билим оладилар.

Университет таркибида: Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, Манбалар хазинаси,

Истиқлол шарофати билан юртимизда ноёб замонавий корхоналар очилди. Гўзал иншоотлар барпо этилди. Айни чоқда, мўътабар илм ва маънавият даргоҳлари ҳам ташкил этилгани беҳад қувонарлидир. Бу ўринда сўз Тошкент Ислом университети хусусида бормоқда.

Яқинда мухбиримиз университетнинг мақсад ва

Университетни ривожлантириш жамғармаси, Халқаро «ЮНЕСКО» ташкилоти билан ҳамкорликда очилган «Дунё динларини қиёсий ўрганиш» кафедраси, Академик лицей, «Тошкент Ислом университети» нашриёти ва кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

Университетда талабаларнинг

ўқув воситалари билан жиҳозланган. Талабаларнинг яшаш ва мазмунли дам олишлари учун ҳам шароитлар бор. Бугунги кунда университетнинг уч босқичида таҳсил кўраётган 340 нафарга яқин ёшларимиз ушбу имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда.

Таълим сифатини жаҳон та-

УЙҒУН БИЛИМЛАР ОЛ



илм олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Аввало, дарсликлар борасида ҳеч бир етишмовчилик йўқ. Кутубхонамиздаги турли фанлар бўйича 6 минг нусхадан ортиқ дарсликлар талабалар ихтиёрида. Умуман, кутубхонада тўрт тилда нашр этилган қирқ икки ярим мингга яқин китоб бор. Компютерда муталаа қилиш учун алоҳида хона ажратилган.

Дарсхоналар энг замонавий


лаблари даражасига кўтариш бош мақсадимиздир. Шу боисдан хориждаги илм даргоҳлари тажрибаларини ўрганмоқдамиз. Ғарбдан Олмония, Франция, Голландия, Англия, АҚШ, Шарқдан эса Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Япония ва Кувейт мамлакатларидаги университет ва илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Бу мамлакатлардан олимлар,

вазифалари, факултетлар, кафедралар, ёшларнинг таълим олиши учун яратилган шароитлар ҳақида директор Абдулхай Абдуллаев, тадқиқотларнинг йўналишлари, якунланган илмий ишлар, нашр этилаётган китоблар ҳақида университет қошида очилган исломшунослик илмий-тадқиқот марказининг раҳбари профессор Зоҳиджон Исломов билан суҳбатлашди.

илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари келиб дарс ўтишмоқда, маърузалар қилишмоқда. Мисрдан араб тили ўқитувчиларини ҳамкорликка жалб этдик. Бу борада Франсиянинг «Сорос» фонди бизга катта ёрдам бераётир. Фонд кўмаги билан жаҳон динлари тарихини ўрганиш бўйича мах-

Абу Исо Термизий ва Ҳаким ат-Термизий ҳақидаги «Икки буюк донишманд» китоби нашрга тайёрланди. Илмий ходим Абдурашид Абдуллаев Абу Лайс Самарқандийнинг «Баҳрулулум» тафсир китобини тадқиқ ва таржима этишга киришди. Шунингдек, Ислом тарихи манбалари бўйича ҳажми 100 бос-



ДИБ КАМОЛОТ САРИ

сус илмий-тадқиқот гуруҳи ташкил этилди. Япон олимлари билан ҳамкорликда ҳам шундай илмий гуруҳ тузилиб ва Ўрта Осиёда буддавийлик тарихини ўрганиш бўйича янги грантлар олинмоқда.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор:

— Марказда олти бўлим ташкил этилган бўлиб, олимларимиз турли йўналишлар бўйича илмий изланишмоқда. Булар орасида: Қуръони карим ва тафсирларни ўрганиш; ҳадисшунослик; Ислом тарихи ва фалсафаси, шариат ва фикҳ; манбашунослик ва қўлёзмаларни ўрганиш; маданият ва санъат обидаларини ўрганиш каби йўналишларда салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

Сўнги йиллар ичида марказда Қуръони карим маъноларининг Абдулазиз Мансур таржимаси, Убайдулла Уватовнинг



ма табоқли изоҳли луғат тузиш устида иш бошланди.

Олимлардан Ҳамидбек Ҳасанов Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубаййин», Саидмухтор Оқилов Абу Муин Насафийнинг «Табсиратул адилла» асарини ўрганиб, нашрга тайёрлашди. Шунингдек, «Алмуфассал», «Муқаддамат-ул

адаб», «Атлоф-ул заҳаб» каби энг нодир манбаларни ҳам нашр этиш режалари ишлаб чиқилди.

Марказ қошида «Манбалар хазинаси»ни ташкил этдик. Бундан мақсад халқ кўлида сақланётган қадимий қўлёзма манбаларни тўплашдир. Ўн бир кишидан иборат махсус ҳайъат манбаларнинг ҳолати, ёзилган даври ва бошқа хусусиятларини ўрганиб, баҳолайди. Сўнгра улар келишилган нарҳда сотиб олинади. «Манбалар хазинаси»га яқинда киритилган энг нодир асарлардан бири сифатида тасаввуфга оид «Сиярул ақтоб» китобини кўрсатиш мумкин. Асар Феруз даврида Хоразмда битилган бўлиб, Хоразм таржимонлик мактаби намояндalари ва кўплаб авлиёлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Албатта, Юртбошимиз томонидан совға қилинган Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари энг мўътабар китобларимиздан ҳисобланади. Асарнинг мазкур нусхаси XIII аср ўрталарида қалин шарқ қоғозига кўчирилган, тўрт юздан ортиқ варағи бор. Хати анча эски бўлса ҳам, яхши ўқилади.

Илмий тадқиқот ишларига аспирантлар, айниқса, талабаларни тобора кенг жалб этиш ҳамиша диққат-эътиборимизда.

*Сиз тоғларни кўриб, тек турибди, деб ўйларсиз.
Холбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар.
(Бу) барча нарсани пухта-расо қилган зот – Аллоҳнинг
хунаридир.*

Намл, 88-оят мазмуни

Ҳожи МИРЗАБОЕВ

ТОҒЛАР ҲАМ ЮРАДИМИ?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Геологик узулма – тоғ бўлақларининг ўзаро ҳар хил йўналишда ёки бир йўналишда бир-бирига нисбатан ўзга тезликда юриши натижасида пайдо бўладиган чегара ёриқдир. Бу атама «тектоник узулма» деб номланади. Тоғларнинг юриши натижасида содир бўладиган зилзила «тектоник зилзила» деб аталади.

Тоғларнинг ҳар турда юриши жараёнида геологик узулмалар юзага келади. Геосинклинал ҳудудларда тоғларнинг юриши ҳамisha давом этади. Бундай ҳудудларда геологик узулмаларнинг сони ҳам кўп, уларнинг тури ҳам ҳар хил бўлади. Айрим геологик узулма бир неча ясси юзадан таркиб топиб, кенг – километрлар ўлчовидаги тектоник узулма ҳудудини ташкил этади. Бундай узулма ҳудудлар юзлаб километрларга чўзилиб, ер қуррасининг чуқур қисмида ҳам давом этади. Улар «чуқурлашган тектоник узулма» деб аталади.

Узулма бўйлаб тоғларнинг аста-секин силжиб юриши зилзилани келтириб чиқармайди. Тоғларнинг бундай юриши махсус асбоблар воситасида ўлчаниб аниқланади. Зилзиланинг кучи геологик узулмаларнинг турига боғлиқ. Кичик узулмаларда кучсизроқ зилзилалар, чуқурлашган тектоник турида эса, кучли зилзилалар содир бўлади. XXI асрнинг

энг биринчи кучли, катта талофотли зилзиласи – 2001 йил январида Фарбий Ҳиндистонда рўй берган зилзила шундай тектоник зилзила намунасидир.

Маълумки, тоғларнинг биз кўриб турган қисми уларнинг юза қисмидир. Асосий қисми ер остида бўлади, худди уммонлардаги музқояларга (айсбергларга) ўхшаш.

Тоғларнинг юза қисми узоқ муддатда емирилиб текисликка айланади. Масалан, Қизилқум чўллари майдони каби. Бу жойда ҳали ерости тоғларининг юриши тўхтаган эмас. Бундай ерости тоғларининг юриши натижасида содир бўлган зилзилалар намунаси 1975 ва 1984 йилги Газли зилзилаларидир.

Ҳозирги замон илми тоғларнинг ва қитъаларнинг қай даражада юришини аниқламоқда. Масалан, ер юзининг энг баланд чўққиси Жомалунгма (Эверест) ҳар йили 6–11 см.га кўтарилмоқда экан.

Энди тоғ ва текисликлардан ташкил топган қитъаларнинг бир-бирига нисбатан юриши ва йўналиши ҳақида маълумот келтирамиз. Шимолий ва жанубий Амриқо қитъалари бир томондан Овро-Осиё ва Африқо қитъаларига нисбатан узоқлашмоқда. Уларнинг узоқлашиб юриш тезлиги йилига 7 см.га тенг. Шимолий Амриқо қитъаси Япония оролига қараб юриш тезлиги йилига 11 см., Австралия қитъаси эса, Японияга яқинлаб юриш тезлиги ҳатто 39 см.га

баробар. Сан-Андреас деб номланувчи узулма бўйича Шимолий Амриқо қитъаси Тинч океан плитасига нисбатан йилига 5–8 см. шимолий-ғарбий йўналишида юради. Қитъаларнинг бундай юриши (агар булутларга фазо кемаси орқали юқоридан қаралса) ер юзининг катта-катта қисмини қамраб олган булутларнинг юришига ўхшашдир.

Яна тоғларнинг юришига оид намуналардан келтирамиз.

Сан-Андреас узулма чуқурлашган тектоник узулмалар таркибига кириб, бу узулма Анд тизма тоғлари бўйлаб чўзилади. Сан-Андреас узулмасида содир бўлган икки кескин силжиш кучли зилзилаларни чиқарган. Биринчи (1857 й., Форт-Техон, Калифорния) силжиш Сан-Андреас узулмаси бўйлаб 9 метрга тенг бўлган; иккинчисида (1906 й., Сан-Франсиско, Калифорния) 6 метрга тенг бўлган. Таҳлилга биноан, бу зилзилаларни чиқариш жараёнида силжиган узулманинг ерости қисми 400 км.га чўзилган.

Марказий Осиёда бўлаётган зилзилалар тектоник зилзилалардир. Кескин силжиш ерости қисмида, кўпроқ 5–20 км. чуқурлигида бўлиб ўтади ва ер юзида камдан-кам намоён бўлади.

Тарихга мурожаат этсак, геология фани милодий XVIII аснинг сўнгги йилларида шаклланиб, геотектоника илмий йўналишига XIX асдан асос солинган. Кураи заминда тектоник ҳаракатлар борлигининг илмий асосда исботланиши ҳам шу даврлардан бошланган.

Қуръони каримда айтилган «...тоғларнинг булутлар юргандек юриши...» хабари кенг омага тушунарли бўлиши ҳам, бир жиҳатдан, геология фанининг ривожланишига боғлиқ бўлган бўлса ажаб эмас.

Илм бундай натижага Қуръони карим нозил бўлганидан 12 асдан сўнг эриша олди. Тоғларнинг юриши осмонлар ва ерни Яратган Аллоҳнинг иродасидан ва қудратидандир. Аллоҳ таоло ўзининг илми ва ҳикматига биноан шундай қонуният жорий этганки, агар тоғлар юриб турмаса, яъни, тектоник ҳаракатлар бўлиб турмаса, ер юзида қуруқлик йўқоқлар эди, тоғу текисликлар емирилиб, қуруқлик сувостида қолар эди. Бинобарин, одамзот яшашига шароит қолмас эди.

Ҳамма турдаги конларнинг пайдо бўлишини фақат тектоник жараёнларга боғлиқ

қилиб қўйилган. Шу боис қаерда қандай кон борлигини аниқлаш учун аввал ернинг тектоник тузилишини билиш шарт.

Ершунос олимларнинг хулосасига кўра, ернинг тузилиши, таркиби, ҳаракатлари тўғрисидаги билимимиз фақат уч-тўрт фозизга тенг экан.

Ислом дини илм демакдир. Ҳар биримиз муқаддас китобимизни ўқиб уқисак, нафақат геология илмида, балки бошқа кўп соҳаларда ҳам оламшумул кашфиётлар қилишимиз муқаррардир.

Албатта, Қуръон оятлари исботланишга муҳтож эмас! Аммо тоғларнинг юриши ҳақидаги бу оятнинг аниқ маъносини тушуниш геология илмидан йироқ бўлган кишиларга мураккаброқ эканини ўйлаб бу ишга қўл урдик. Чунки баъзи хос илмларга оид оятлар турли замонларда ўша давр илмий кашфиётлари даражасида турлича изоҳланган-ку.

Хато қилаётган бўлсак, Аллоҳ бизни афв этсин.



Аъзам ҲКТАМ

КЎЗ ЮМИБ ОЧГУНЧА

«Бобурнома»да: «Ёш йигит ойнага қараб нима кўрса, кекса одам гиштга қараб ҳам ундан яхшироқ кўради», дейилган. Бу гапни илк бора ўқиганим ва ён дафтаримга кўчириб олган кунларимда туғилган болалар ҳозир ота бўлишди. Аммо бу гапнинг маъносини бугун англагандайман. Тўғрироғи, бунга мисолни Ҳазратнинг ўзларидан топиб олдим.

«Бир минг беш юз йигирма бешинчи йил воқеалари» бобида мана бундай ажабтовур парчаларга дуч келдим: «... бизнинг вилоятлар истилоҳида кеча-кундузни йигирма тўрт қисмат қилибтурлар, ҳар қайсисини бир соат дебтурлар ва ҳар соатни олтмиш қисмат қилибтурлар, ҳар қайсисини бир дақиқа дебтурларким, бир кеча-кундуз минг тўрт юз дақиқа бўлғай. Дақиқанинг миқдори тақрийбан олти қатла «Фотиҳа»ни «бисмилло» била ўқуғунчадурким, бир кеча-кундуз секкиз минг олти юз қирқ навбат «Фотиҳа»ни «бисмилло» била ўқуғунча бўлғай» («Бобурнома», Тошкент, «Юлдузча», 1990 й, 25-бет).

Фурсатни аниқлашнинг бундан кўра гўзал, бундан кўра савоблироқ усули бормикан? Тайин қилинган вақт келгунча ўтган муддатда биз нималар қиламизу уни қандай ҳисоблаймиз?..

— Кутиб ўтириб тўртта сизгет чекдим.

— Бир пиёла чойни ичиб бўлгунимизча келди.

— Ош дам егунча етиб бораман.

Бундай мисолларни хоҳ-

лаганча келтириш мумкин. Вақтимиз бекор ўтпти. Бир дақиқа бўш ўтирсак, олти марта «Фотиҳа» сурасини ўқимаган бўламиз. Бобур Мирзо бир кеча-кундузда Фотиҳани 8640 марта ўқиш мумкинлигини айтаяптилар. Шунини 365га кўпайтириб кўрмаймизми? Вой-бў-ў... Уч



миллион бир юз ўттиз тўққиз минг бўларкан. Қуръони карим оятларининг ҳар бир ҳарфига ўнтадан савоб ёзилишини ҳисобга олсак, бизга нақадар улкан имкониятлар берилганию биз вақтни йўқотган сайин қанча зикрдан жудо бўлаётганимиз ойдинлашади.

Фикримизни ўқиётиб: «Ҳа-а, умр деганлари кўз юмиб очгунча ўтиб кетади, фурсатни ганимат билиш керак», дегандирсиз. Тўғри. Ана шу ибора — «кўз юмиб, очгунча» нималарга улгуриш мумкинлигини ҳам Ҳазратнинг ўзларидан эшитинг:

«Ҳинд эли кеча-кундузни олтмиш қисмат қилибтурлар, ҳар қайсисини бир гири дебтурлар... Яна ҳар гирини олтмиш бўлтурлар., ҳар бирини пул дебтурларким, бир кеча-кундуз уч минг олти юз пул бўлғай. Яна ҳар бир пул миқдорини олтмиш қатла кўзни юмуб очгунча дебтурларким, кеча-кундуз икки юз ўн олти минг кўзни юмуб очгунча бўлғай. Бир пулни тажриба қилишди, тақрийбан секкиз қатла «Кул хуваллоҳ»ни «бисмилло» била ўқуғунча бўлдимким, кеча-кундуз йигирма секкиз минг секкиз юз «Кул хуваллоҳ»ни «бисмилло» била ўқуғунча бўлғай».

Бу гаплар ёзилганига 476 йил бўлибди. Биз ойнага қараб ҳам кўролмаган ҳикматни бобомиз оддийгина гиштга қараб айтиб кетган эканлар.

Мақолани ёзиб, оққа кўчиргунимча бир соат вақтим кетди. Бунинг ўрнига «Ихлос»ни беш юз марта ўқисам бўлмасмиди? Бироқ «Бобурнома»ни кимлардир ўқимагандир, ўқиган бўлса ҳам унутгандир, деган хаёлга бордим. Шоядки, дақиқаларимиз зикр ва тасбеҳ билан баракотли бўлса...

РИЗҚ ТОПАЙ ДЕБ ТЎҒРИЛИКДАН АЙРИЛМА

Ҳазрати Умар (р.а.) ўғитлари

* Куръонга ғилоф, илмга манбаъ бўлинг. Аллоҳдан кунлик ризқингизни сўранг.

* Гуноҳларига пушаймон бўлгувчилар билан ошна бўлинг. Зеро, уларнинг қалби ҳар нарсдан юққадир.

* Аллоҳдан қўрққан кимса жаҳл қилмайди ва ҳар хоҳлаган ишини бажаравермайди. Агар охираат бўлмаса эди, дунёни бу тарзда кўрмас эдингиз.

* Ҳақдан айрилмаки, Ҳақ сенга ҳақ эгаларининг жойини кўрсатгай ва фақат ҳақ ила ҳукм эт.

Маоз ибн Жабал (р.а.) ўғитлари

* Ўғлим, намозингни видолашаётган кишининг намози каби ўқи. Яна бир бор ўқийман деб ўйлама. Шунинг билгинки, мўмин бир бажарган ва бир бажаролмай қолгани — икки яхшилик орасида ўлади.

* Рўза тут, бироқ оралатиб тут. Намоз ўқи, бироқ уйқуга ҳам вақт ажрат. Ризқинг учун ишла, бироқ ризқ топаман деб тўғрилиқдан айрилма ва мусулмон ҳолатда ўлмоққа ҳаракат қил.

* Уч нарса борки, кимда топилса, Аллоҳнинг газабига учрайди: сабабсиз (ноўрин) кулиш, истаксиз ҳолда ухлаш ва очқамай овқатланиш.

* Очлик ва қийинчилик

фитнаси билан имтиҳон қилиндингиз, сабр этдингиз. Мўл-кўлчилик фитнаси билан ҳам синалурсизлар. Сизлар учун энг кўп аёлларнинг фитнасидан хавотирдаман. Улар олтин ва қумуш билагузуклар тақиб, Шом ва Яманининг юпқа, безаквор кўйлақларини кийиб, бойни чарчатиб кўюрлар, камбағални эса тополмаган нарсаларини топишга мажбур этурлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) ўғитлари

* Ҳам дунё, ҳам охираат учун ҳаракат қилмаган одамни хушламайман.

* Ичингизда тонггача лош (ўлик) каби ўрнидан қимирламай ётган ва тонг отгач, олов пашшаси каби у ёқданбу ёққа сакраган кимсани кўрмайин.

* Дунёнинг мусаффолиги кетган, оқаваси қолган. Ўлим мусулмон учун совғадир.

* Ҳеч кимса ёқтирмайдиган ўлим ва камбағаллик қандай ажойиб нарсалардир. Аллоҳга қасамки, бойлик ҳам, фақирлик ҳам бир неъматдир. Қайсиси билан имтиҳон қилинсам ҳам, хотиржамман. Бой бўлганда муҳтожларга ёрдам қилиш, фақирликда эса, сабр этиш фазилати бор.

* Банда имон чўққисига чиқмагунча, унинг ҳақиқатига етишолмайди. Мусулмон камбағалликни бойликдан, пасайишни юксалишдан афзал кўрмагунча ва уни мақтаган

киши билан ёмонлаганни бир кўз билан кўрмагунча имон чўққисига чиқа олмайди.

* Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасамки, мусулмон ҳолда тонг оттириб, кечкурун шу ҳолда уйқуга кетган бандага дунёнинг мусибатлари зарар бермас.

* Барчангиз меҳмонсиз, қўлингиздаги дунё моли эса, омонатдир. Меҳмон албатта бир кун кетгай ва омонат эгасига берилгай.

* Ҳақ оғирдир, бироқ томоқдан осон ўтади. Ботил енгилгина, аммо касаллик келтириб чиқаради. Неча-неча инсоний орзу-истаклар борки, уларга эргашилса, узоқ вақт давом этгучи хафагарчилик билан ниҳоя топгай...

Салмон Форсий (р.а.) ўғитлари

* Мўмин киши худди шифокори ёнида юрган беморга меҳназайди. Беморининг ёнида юрган табиб унинг дориларини билиб, кўнгли бир нарсани тусаганида: «Зинҳор буниси кўрма! Мабодо есанг, сени ўлимга олиб боради!» дея огоҳлантириб, турганидек, мўмин кишининг кўнгли ҳам бир неча нарсани истаб қолганида Аллоҳ таоло уни зарарлиларидан қайтаради ва жонини олиб жаннатга боргунига қадар назорат остида тутиб туради.

«Ҳаётус-саҳоба»дан
Абдуллоҳ МУРОД
тайёрлади

Бир саволим бор



Ҳурматли «Ҳидоят» журнали таҳририяти ходимлари! Мен журналингизнинг мухлисман. Ундаги барча қизиқарли, ҳаётимиздаги муҳим муаммоларни покиза назардан ўтказган мақолаларни батафсил ўқиб бораман. Менинг саволим шуки, диний мансаблар, диний унвонлар ким томонидан берилади? Уларнинг моҳият-мазмуни қандай? Масалан, «шайх», муфтий», «қози», «мухтаҳид» сингари тушунчаларнинг маънолари қандай?

Абдуғафур РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Миллий университети дотсенти



Жавоб. «Шайх»нинг луғавий маъноси ёши ўтган, сочи оқарган киши демакдир. Истилоҳда устоз, олим, қабила бошлиғи, жамоа сардори, умуман, кишилар назарида илм, фазилат ва мартабада улуг бўлган инсонга нисбатан қўлланади.

«Муфтий» луғатда масалани ойдинлаштирувчи демакдир. Истилоҳда ойдин бўлмаган масалани истинбот асосларига таяниб, аниқлик киритиш даражасидаги илмга эга бўлган кишига нисбатан ишлатилади.

«Мухтаҳид» луғатда мақсад талабида имконини ишга солув-

чи демакдир. Истилоҳда нафс табиатидан огоҳ, сергак, соғлом зеҳн ва кучли фикр соҳиби, усул далиллари ва шартларини билган, ҳадис ровийларидан мақбул ва мардудларини ажрата олган, саҳобий ва тобеъинларнинг ҳамда бошқа мухтаҳидларнинг сўзлари ва қоидаларидан воқиф зот мухтаҳид ҳисобланади. Мухтаҳид, шайх, муфтий қабилар унвон эмас, балки илмий-ижтимоий даражалар бўлиб, улар расман ҳеч ким томонидан берилмайди.

«Қози» луғатда, ҳукм қилувчи демакдир. Истилоҳда

муайян ҳукми лозим этувчига айтилади. Қози ҳоким томонидан тайинланади. Гувоҳлиги қабул қилинадиган киши қози бўлиши мумкин. Ришва (пора) билан қозилликка эришган киши шаръан қози ҳисобланмайди. Икки киши ўрталаридаги низоли масалани ҳал қилишда қозилликка муносиб кишининг ҳукми бўйича иш қилишга келиши мумкин. Бунда ўртадаги кишининг ҳукмини бажариш иккисига ҳам лозим бўлади. Фисқ йўлига ўтган қозининг ҳукми мақбул бўлмайди.

Намоздаги қироат хусусида, уни хато қилганда намозга таъсири ҳақида баён этсангиз.

Абдуғаффор МАВЛОНОВ,
Андижон

Жавоб. Қуръони каримни тажвид қоидасига мувофиқ ўқиш ҳар бир мусулмонга фарздор. Хусусан, намоз учун ўқилиши лозим бўлган миқдорни беҳато ўқиш барча намозхонга вожиб.

Қироатдаги халал намозга таъсир этади. Баъзи ҳолларда намозни фосид қилади ҳам. Бинобарин, ҳар бир мусулмон огоҳ бўлсин учун қироатга боғлиқ

масалаларни муфассал ва давомли ёритиш лозим кўрилади.

Аввало, хато нималарда содир бўлади?

Эъробда. Яъни, сўз ҳаракатларида («а», «и», «у»), мадларда, ташдидларда хато бўлиши мумкин. Яъни, ҳаракатларни алмаштириб, чўзилиши лозим ўринларни қисқа қилиб, икки бир хил ҳарфнинг бирини ташлаб ўқиш каби хатолар.

Ҳарфларда. Яъни, бир ҳарф ўрнига бошқасини талаффуз қилиш ё ташлаб кетиш ва қўшиш каби хатолар.

Сўзларда ва жумлаларда. Яъни, сўзни ташлаб кетиш ё қўшиш, ўринларини алмаштириш каби хатолар.

Тўхташда. Яъни, тўхташ лозим бўлган ўринларда тўхта-

маслик ёки тўхташ мумкин бўлмаган жойларда тўхташ каби хатолар.

Бу хатолар сабабидан оят ё сўз маъноси асл маънодан кескин ўзгарса, намоз фосид бўлади.

«Ҳаққуллоҳ» дейилганда нима назарда тутилади?

Аъзамжон МУРОДАЛИЕВ,
Тшкент

Жавоб. Аллоҳ таоло ҳеч нарсага муҳтож эмас. Барча нарсани Ўзи яратган. Хатари ё манфаати бутун инсониятга бирдай бўлган нарсалар «ҳаққуллоҳ» деб аталади. «Ҳаққуллоҳ»ни поймол этиш шахс ва жамиятни таназзулга олиб келади («Кашфул асрор»).

Йўлдош ЭШБЕК,
шоир

Истиқлол сўровномаси

ГЎЗАЛ ҲОЛАТ УМИДИ

1. Мустақиллик. Давр. Дин. Қайтиш. Улуғ неъматлар. Бозорларда расталар очиқ, уйлар фақат ташвишлар билан эмас, пардалар билан тўсиладиган кунларни кўриш ҳаммамизга насиб этсинки, бу гўзал умумий ҳолатдир. Бу нарса эртак эмас, боболаримиз ҳаётида кечган воқелик.

2. Қоникаман деб айтолмайман. Амалимиз қусурли, савобли ишларимиз йўқ даражада. Лекин умидим бор. Шояд Аллоҳ Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва севимли бандалари ҳурматидан солиҳ қулларидан айлаб, мағфират этса... Бундай мартабани барчага тилайман.

3. Қуръони карим ва ҳадиси шарифда васф этилган мўминлик сифатларидан бири Аллоҳни кўп ва давомли эслашдир.

Аммо эслаш пала-партиш ва тартибсиз бўлмайди. Буни билиш учун устозлардан, пири комиллардан, муршиди

муборақлардан ўрганиш керак: «Аллоҳни севинг», «Аллоҳга шукр қилинг», «Аллоҳни зикр қилинг». Мўминлар



Аллоҳни мудом зикр қилувчилардир», айниқса «Аллоҳдан кўрқинг», деган ояти карималар бежиз кўп такрорланмайди. Пайғамбаримиз (с. а. в.) бир ҳадиси шарифларида мўминни «қўли билан, тили билан бировга озор бермайдиган», деб сифатганлар.

Мен ўзим бу айтилганларга

амал қиламанми-йўқми деган масалага келсак... Қўл билан бировга озор бермаймиз, аммо шу тил масаласи сал чатоқроқ. Яъни ноҳақлик кўринган жойда «айланиб» қолади. Ишқилиб эшитганлар ранжимаган бўлишсин, кечирган бўлишсин, Аллоҳ кечирган бўлсин. Қолаверса, бизга ноҳақлик бўлиб кўринган нарса бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин. Бунинг ҳам даъво-си сабр. Муҳими — шу айтилганларга амал қилишга ҳаракат қилишман.

Барча мўмин-мусулмонларни, хусусан, «Ҳидоят» журна-ли ходимларини мустақилликнинг 10 йиллик байрами билан табриқлайман, динимиз, миллатимиз, халқларимиз, қардошларимиз, Ватанимиз, давлатимиз, мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса қўшишларини тилаймиз.

Буюк зафарларга Аллоҳ эриштирадир ва Ўзи рози бўлсин! Икки дунё саодати Аллоҳнинг розилигидир, шу саодатларга муваффақ, мушарраф ва муносиб айласин! Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

Наҳйи мункар

НУҚСОНЛАР

Осорларда айтилишича, инсондаги нуқсонлар уч турли бўлар экан: 1. Нафс нуқсони. 2. Қалб нуқсони. 3. Руҳ нуқсони.

Нафс нуқсони унинг моддий шаҳват билан боғланиб қолишида акс этаркан. Бунга турли лаззатли таомлару ичимликларга, гўзал уй-жойларга, хирсу ҳавога бўлган интилишлар кирати.

Қалб нуқсони шуҳратга, обрўга, одамлар устидан бошлиқ бўлишга интилиш, ҳасад, кибр, манманлик дардларига мубтало бўлишда кўринади.

Руҳ нуқсони турли каромат ва мақомларга интилишда аксини топади.

Булар орасида нафс нуқсонининг давоси енгилроқ бўлиб, яхши инсонларнинг суҳбати, уларга ибрат назари-ла қараш ҳамда нафс талпинаётган нарсаларни тарк этиш билан амалга ошар экан. Қолган иккисининг офатидан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

ЎНТА БЕФОЙДА НАРСА

1. Амалсиз илм. 2. Ихлоссиз амал. 3. Эҳсонсиз мол-мулк. 4. Аллоҳ муҳаббатидан холи қалб. 5. Аллоҳ ибодатидан узоқ жасад. 6. Аллоҳ розилигини топмаган муҳаббат. 7. Бекорга сарфланган вақт. 8. Бекорчи нарса ҳақидаги

фикр. 9. Дин душманининг хизматини қилиш. 10. Ўзига ёрдам беришга қодир бўлмаган инсондан ёрдам умид қилиш.

ЁМОН ОЛИМЛАР

Улар жаннат эшиги тагига ўтириб, инсонларни сўзлари билан унга чорлайдилар. Амали билан эса, дўзахга чорлайдилар. Уларнинг сўзлари одамларга: «Келинлар, келинлар», деса, амаллари: «Бу одамга қулоқ солманлар», дейди. Зоҳиран, бундай олимлар жаннат йўлига чорловчи, аслида, шу йўлнинг қароқчиларидирлар.

Акмал АВАЗ,
Қўқон

Дадахон НУРИЙ

АЗОН САДОСИ

Шри Ланка хотиралари

Атрофга тун қоронгуси қуюқ пардасини ёйиши билан бутун борлик сукутга чўкиб қолар, осойишталикни фақат уммон қаъридан бош кўтарганча увлаб келаётган шамолу бебош тўлқинларнинг безовта гулдуриси бузар эди.

Бугун негадир борлик қоронгуликка чулганган, бу зимистонлик худди жонли мавжудотдай одамни ҳар томондан таъқиб этиб, еб-ютиб юборишга ҳаракат қилаётгандек эди. Уммоннинг безовтагилик ҳам одатдагидан бошқача. Кутуриб, пишқирмоқда.

Қандайдир руҳий тушкунликни кўзғовчи бундай пайтларда энг маъқули эшик-деразаларни беркитиб қўйиб, қалладан ҳамма нарсани чиқариб ташлаш, оёқни уза-ти-иб кўрпага чўзилиш-да, ҳаловатга берилиш!..

Соатга қарасам, ҳали тўққиз бўлмабди. Ҳа, бу томонларда шом қоронгулиги барвақт тушади.

Аста каравотга чўзилдим. Кўзим энди илинган экан. Уч-тўрт кун ичида таниш бўлиб қолган овоздан уйғониб кетдим. Азон товуши! Худди тўлқин каби эврилиб-эврилиб келаётган бу ажиб садо қутурган уммоннинг долғалари аро долғаланиб, янада сеҳрли янграр эди.

Ҳар оқшом, айна бир пайтда шу ҳолат. Узоқ-узоқлардан тўлқинларнинг елкасида эркаланиб келадиган бу оҳанг бирин неча дақиқа мени ёлғизлик ва мусофирлик туйғуларидан фориг этади. Гоҳо ўйлаб ҳам қоламан: бу овоз чинданам бирон муаззиннинг овозими ёки ҳис-ҳаяжонлар маҳсули бўлиб менга шундай туюляптими?

узра «Аллоҳу акбар!..» садосини эшитишган экан. Мен ҳозир ойда эмасман, аммо бу азонни худди ойда туриб эшитаётгандайман.

Азон охирлаган сари тасаввур ва таассурот олаmidан аста-секин бу оламга қайтиб улгурдим ва тахмин қилдимки, шу яқин атрофда, балки уммоннинг қайсидир томонида масжид бор бўлса керак.

Эрталаб Зоҳид соҳибнинг дўконига чиқиб кечкурунги ҳолатларимни айтиб бердим.

Эрталабдан уни йўқлаганимдан хурсанд бўлиб кетган Зоҳид соҳиб дарров менга курсини тўғрилади.

— Албатта, масжид бор. Сал нарида насронийларнинг қишлоғи, ундан ўтсангиз, мусулмонлар истикомат қиладиган жуда катта Поритота қишлоғи келади. Жомеъ масжиди шундоқ уммон қирғоғига қурилган. Бугун жума намозига, хоҳласангиз, бирга борамиз...

Соат ўн икки яримларда Зоҳид соҳиб дўконининг эшигини ичкаридан тамбалаб, унга ёндошлатиб қурилган кенг темир дарвоза қанотларини очди. Ичкари гараж бўлиб, тўрдаги девор ёнида бири эскирганроқ, иккинчиси яп-янги япон матасиклари бир-бирига суюғлик турарди.

— Мина оласизми? — деб даб-дурустдан сўраб қолди Зоҳид соҳиб, им билан уллардан бирига ишора қиларкан.

Бир пайтлар чехларнинг «Ява» деган учқур матасикли бўларди. Талабалик йилларим икки йилча ўшани минганимни айтдим.

— Ундай бўлса, жуда соз. Бугун

Кейинги пайтларда анча-мунча мамлакатларда жаҳонгашталиқ қилиб қўйган севимли ёзувчимиз Дадахон НУРИЙ жаноблари ана ўша саёҳатларининг меваси ўлароқ яқинда «Бойсун жунглиларидан Канди ўрмонларигача» деган саргузашт асарини ёзиб тугатдилар. «Шарқ» нашриётида чопга ҳозирланаётган ушбу асардан йўналишимизга алоқадор бир парчасини «Ҳидоят»га тақдим қилган ёзувчимизга миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Бир китобда ўқиган эдим: Амироқ космонавтлари ой юзига қадам қўйган илк дақиқаларда ой

бизга қолгани шулар экан. Биттадан миниб оламиз. Ўғлим машинани қаёққадир ҳайдаб кетибди.

Зоҳид соҳиб янгисини осонгина ўт олдириди, рўлини кўлимга тутди. Ўзи мундайроғини минди ва худди мен бу ернинг йўл қоидаларини беш бармоқдай биладигандай, ҳеч нарса тушунтирмай, қани, кетдик, деди-да, уловини жойидан учирганича катта йўлга ҳайдади.

Моторининг овози бор-йўқлиги билинмайдиган даражада паст экан, ишлаб тургани ҳам эсимда йўқ, шундоқ тезлик муфтасига оёғимни тегизишимни биламан, остимдаги жажжи «Тойота» қурғур тойчоқ бўлиб бир сапчидио кўчага учиб чиқди. Қани энди тўхтагиб бўлса!

Бир маҳал, мундоқ қарасам, нақд эстимга бир юк машинаси бўкирганича бостириб келяпти! Орқасига маккажўхори поясиними ғарамлаб ортиб олган экан, кўриниши роса ваҳимали эди.

Шунда сезиб қолдимки, мен бу ерларнинг қоидасини бузиб, йўлни чап тарафдан эмас, ўнг томондан солиб юборибман. Бундай пайтда эпчиллик билан хатони тўғриламаса, иш чатоқ бўлиши ёнида ҳайдовчилик гувоҳномаси бор ҳар қандай кимсага яхши маълум. Рўлни тез чапга бурдим-у... орқамдан келиб урилган кучли зарбдан матасикл билан бирга учиб, йўлнинг нариги ёғидаги ҳандақ ичига тушдим.

Юк ортган машина паравоздай чинқириб сигнал берганича, кўча ўртасига кўндаланг бўлиб қолди.

Мени «туртиб» юборган энгил машина ҳайдовчиси чопиб тепамга келди. Юк машина эгаси ҳам халлослаб етиб келди.

Биздаги «русум» бўйича, бундай хатарли фалокат ҳолатини вужудга келтириб, бошқаларни ҳам гуноҳига шерик қилаётган қоидабузар жуда агар инсофлиларига дуч

келса, етти пушти қолмай сўкиш эшитади, яхшилаб таъзирини олади, акс ҳолда, оч биқинига бир икки мушт ё тепки еб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Начора, кўргилик, беихтиёр ўзимни ёмонига ҳозирладим. Чунки устимга бостириб келган бу икки «ҳамкасбим» ва жоҳатидан нохуш ниманидир кутган эдим. Бироқ...

Уларнинг юзида бегубор ҳамдардлик аломатлари бор эди. Кўрқувли юзларимга қараб, ҳатто хиёл жилмайиб ҳам қўйишди. Сўнг икковлашиб ўрнимдан турғизишди. У ёқ-бу ёғимни қоқишди. Ёнбошлаганича тириллаб, олд гилдираги айланиб ётган матасиклимнинг овозини ўчиришди. Гўё гуноҳкор мен эмас, улардай, бошларини қимирлатиб ўз тилларида мenden нималарнидир сўрашди. Шубҳасиз, аҳволнинг қалай, дейишаётган эди. «Гуд-гуд» (яхши) деган сўзларни қайтарардим, холос.

Худди шу пайт эски матасиклини тариллатиб Зоҳид соҳиб келиб қолди.

— Тинчликми? — деб сўради у ҳайрон бўлиб.

— Қаёқда, — дедим ним ўпкалаб, — мени бу ажал тойчоғига миндириб қўйиб, кетвордингиз.

— Э-э, қаранг, ҳайдашни биламан деганингизга ишониб... — У қонталаш бўлиб қолган тиззам кўзларига қараб, афеус аломати билан бошини қимирлатди, кейин сўзини давом эттирди: — Қисмат-да. Лекин Худо асрабди. Жароҳат унчалик эмас. Майли, жумадан кейин дўхтирга учраймиз. Ният қилдикми, энди боришимиз керак. Мингашинг менга!

Шу пайт Зоҳид соҳиб йўл бўйида анча йиғилиб қолган томошаталаб кишилар оралаб биз томон келаётган ёшгина хизматкор йигитни кўриб қолди. Олд қаноти пачоқ бўлиб қийшайиб қолган «Тойото»га ишора қилиб:

— Муҳаммад Иқбол, анавуни ичкарига киритиб қўй! — деди.

Кираверишига «Эттикала» ёзуви ўрнатилган қишлоқчани кесиб ўтиб, анчагина юрганимиздан сўнг Поритота қишлоғига яқинлаша бошладик. Биринчи бўлиб кўзга масжид гумбази билан минораси ташланди. Жомеъ анчагина кўримли бўлиб, қишлоққа кириб борадиган йўлнинг чап томонига, уммон бўйидаги тепаликка қурилган экан.

Ялтироқ жўмрақлардан сув оқиб турган айвонга ўхшаш узун таҳоратхонада одам кўп. Биз ҳам ўша ерга ўтдик.

Бошимдаги дўппи сабаб бўлдим, бирдан менга қизиқувчилар кўпайиб қолди. Зиёлинамо, кун иссиқ бўлишига қарамай қора кастим-шим кийган ўрта яшар киши бармоғини нуқиб:

— Африқо?! — деб сўради.

Зоҳид соҳиб қаердан келганим, кимлигим ҳақида қисқача маълумот бериб, мушкулумни осон қилди. Худди шу пайт мени ўраб турган одамлар икки ёққа ўтиб йўл бўшатишди ва биз томон келаётган қоматлари расо, қоп-қора соқол-мўйловли, салла ўраган жанобга кўзим тушди.

У киши шу масжид ходимларидан Шайх Ризвон Бадриддин экан. Илтифот билан сўрашгач, ичкарида бизни имом ҳазратлари кутаётганларини айтиб, ўзи йўл бошлади.

Поритота қишлоғи жомеъ масжидининг имом-хатиби Мавлоно Муҳаммад Мадина жаноблари билан орамиздаги суҳбат инглиз тилида бўлиб ўтди. Зоҳид соҳиб таржимонлик қилди.

Тиззасининг кўзлари зирқираб оғриб турган, камига, кайфияти ҳам бир аҳволда бўлган бир мусофир бундай вазиятда ўзини қандай тутсин. Кўрсатилаётган иззат-икромлардан баттар ноқулайлик ҳис этардим. Аксига олиб, имом ҳазратлари бизнинг Ўзбекистон деган мамлакат ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас экан. «Афғонистон» деган хаёлга ҳам бориб қолган эди.

Иложи борича тушунтиришга ҳаракат қилдим:

— Пойтахти — Тошкент. Бухоро, Самарқанд... каби катта ва қадимий шаҳарлари бор.

Бирдан имомнинг юзи ёришиб кетди:

— Бухорои Шариф... сизнинг мамлакатингиздами?

— Ҳа, — дедим ўзимни енгил ҳис этиб.

— Демак, сиз Ҳазрати Бухорийнинг ватанларидансиз? — дедида, кучоқ очиб қайта сўраша кетди ва... кутилмаганда, кўлларимни олиб, юзига суртди.

Шундоқ хона ёнбошидаги салобатли эшикни очиб, бизни ўша ёққа таклиф этди. Ўртамиёна масжид кутубхонаси экан. Тўрдаги

жавонларда тахлоғлиқ, зарринранг китоблардан бирини олиб, эҳтиром билан кўзларига суртди. Сўнг менга қараб:

— Ҳазрати Бухорийнинг муборақ ҳадиси шариф китобларидан, — деди.

Мен ҳам залворли улкан китобни кўлимга олиб, ҳурматини бажо келтирдим...

Шу дақиқаларда шундай бобокалонлари бўлмиш буюк зотлардан узоқ йиллар давомида шаккоклик билан юз ўгириб келганлар авлодидан эканимдан афсусланиб кетдим.

Муаззиннинг менга икки-уч кундан бери таниш бўлиб кетган ёқимли овози янгради. Тайёрланган қаҳваларни охиригача ичиб улгуролмадик. Имом соҳиб мени хонақоҳ томон бошлади.

Энг кутилмаган ва хижолатли воқеа шунда рўй берди: тумонот намозхонларга рўбарў турган Муҳаммад Мадина ҳазратлари, юқорига ўтинг, дегандай хонақоҳ тўрига таклиф қилиб қолса бўладими! Бир лаҳза нима қилишимни билмай, эсанкираб турдим.

Шунда Зоҳид соҳиб:

— Иложи йўқ энди, айтганларини адо этинг, — дея шипшиб қўйди.

Эҳ, шу дақиқаларда чўккалаб ўтириш, унинг устига, тиззам кўзларини ерга босиб эзгилаш менинг учун қанчалик азоб бўлишини биладиганлар топилганида эди...

Ҳолбуки, Муҳаммад Мадина мендан имомликка ўтишимни илтимос қилаётган эди!

Албатта, менинг имомликка яроқлигимдан эмас, балки юртимга, Ватанимга, аждоларимга ҳурмат юзасидан меҳробга чорланаётган эдим. Хатоларимни Аллоҳ кечирсин, дедиму сал оқсоқланиб бориб, имомнинг орқасида турдим. Табиийки, имомликка журъат қилмадим...

Эртасига бутун Поритотада «Жума намозига Имом Бухорий юртларидан келган бир мулла одам қатнашибди», деган шовшув тарқалиб кетибди. Мен бу гапларни Зоҳид соҳибдан, қаердан-дир дўхтир чақиртириб келиб, тиззаларим кўзидаги яраларга қайтадан дори сурдираётган пайтда эшитдим. Беихтиёр кўзларимдан ёш думалади...

БУЛБУЛ ХОЖИШИ

ЁХУД «ФАРИШТА ҚОЗИ» ВА УНИНГ ЧЕВАРАЛАРИ

Абу Ҳурайра (р.а.) деганлар: «Мен жаноб Расули Акрамдан бу сўзни эшитдим: «Аллоҳ таоло ҳеч бир овозни хушланиб, ризо ва рағбат билан эшитмайди, лекин қулининг Куръон ўқиганда асарланиб чиқарган яхши овозларини жуда хушланиб эшитади».

Абдумажид қози домла 1870 йили Андижон шаҳрида илм-маърифатга ихлос қўйган деҳқон Абдуллоҳ қори хонадониди дунёга келди. Маърифатли ота ёлғиз ўғлининг илмли бўлиши учун ҳаракат қилди. Кучли қувваи ҳофиза, теран идрокли фарзанд ўн икки ёшида мураттаб қори бўлиб етишади. Ўн тўрт ёшида кўлида «Кофия», «Шарҳи Мулло», «Мухтасарул Виқоя», «Ақоид», «Шарҳи Ақоид», «Талхис», «Ҳидойаи шариф» каби китоблардан дарс олади. Араб тили, фикҳ, тасаввуф қоидаларини ўрганади. Йигирма беш ёшларига бориб Қўқонда ўз даврининг пешқадам уламоларидан бўлиб танилади. Абдумажиднинг бошқа уламолардан фарқи томони: у диний билимлар билан чекланиб қолмай, мустақил мулолаа қилиб, араб, форс адабиётини, шеърят илмини ҳам ўзлаштиради.

Ўттиз ёшларида уни ўн икки қишлоқни бирлаштирган даҳага қози этиб тайинлашади. Шарият йўл-йўриқларига оғишмай амал қилганлиги ва бошқа фазилатлари учун у эл ўртасида «Фаришта қози» деб ном чиқаради. Қози Алихонтўра Соғуний, Олтинхонтўра Тарозий каби алломалар билан дўстлашади, ёзишмалар олиб боради.

Ўтган асрнинг ўнинчи йилларидан бошлаб қози умрини илму ирфонга, кишиларни яхшиликка даъват этишга бағишлайди ва бунда энг маъқул йўл деб шеърятни танлайди.

Қози «Диний илмларни кимдан ўргангансиз? Ўзингиз кимларга ўргатяпсиз? Эски ёзувдаги китоблар қаерга яширинган?» каби ўринсиз саволлар исканжасида китоблари қатори, тартиб берган девонидан ҳам жудо бўлади. Ниҳоят 70 ёшга яқинлашиб қолган ҳофиз 1967 йили 97 ёшида боқий дунёга жўнайди. Аллоҳ раҳматиға олсин...

* * *

Ҳамроҳлар билан Андижон шаҳрининг Мирзо Улуғбек кўчасидаги кўзлаган хонадонимизга бордик, чақирдик. Кўп кутилмади. Ўрта бўй, оқсарикдан келган, чехрасидан нур таралиб турган йигитча салом бериб чиқиб келди.

— Бу киши кичиклари, Ҳусан қори бўладилар.

Бир оз суҳбатлашиш ниятимиз борлигини билдирдик. Ҳусан қори «ҳозир» дея ичкарига йўналди.

— Бу йигитларнинг таваллудлари ҳам қизиқ. Эналари олтига қиз набирадан кейин «Энди битта эмас, иккита ўғил набира сўрайман, нима, бизга сўраганимизни берса, Аллоҳнинг хазинаси камайиб қолармиди?» дея астойдил дуо-илтижога берилган эканлар. Ўшанда дадалари «Девонабой» масжидида имом ноиби экан. Шу маҳаллалик Комилжон деган ўқитувчи бир куни келиб: «Яҳёхон ака, суюнчи берсангиз, бир хушхабар айтаман» дебди. «Хўп, мана суюнчи, айтинг», деб суюнчи берибдилар. Шунда у киши тушларини айтиб берибдилар: «Мен тушимда кўрдимки, иншааллоҳ, сиз икки ўғиллик бўлар экансиз. Мен ҳозир сафарга чиқмоқчиман. Худо хоҳласа, бўлғуси ўғилларингизга кийим олиб келаман».

У киши сафардан қайтгунларича эгизаклар ҳам туғилади. Шундай қилиб, бу хонадонда 1981 йилнинг 12 январь куни эгизакларнинг «инга-инга» тиловатлари янграйди...

* * *

2001 йилнинг 20-21 январиди Тошкентдаги Шайх Зайниддин жоме масжидида Ўзбекистон қориларининг мусобақаси бўлиб ўтди. Хуш овозда ширадор қироат қилган Ҳасан-Ҳусан қорилар 2-ўрин — Умра сафарига йўлланма билан мукофотландилар.

Биз Аллоҳнинг марҳаматидан таъсирланиб, ота томондан «Фаришта қози»га, она томондан андижонликларнинг барчаси «Ҳабибулло ҳожи дада» деб атаувчи инсонга боғланган бу камсуқум, хушмуомала, тийран-тетик йигитларга боқамиз.

— Ўқишни беш ёшимиздан бошлаганмиз. Дамиз икки пора Куръон ўқитганлар, кейин Бадриддин қорига топширдилар. Унда саккиз ёшда эдик. Бадриддин қори ака 13 ёшимизда бизни хатмга ўтказдилар. Куръон бомлод намозидан олдин ўқилса, осон ёд бўлади. Мисрлик Абдулбосит қори ва Халил Ҳусарий каби дунёга танилган қорилар қироатларини эшитиб, ҳавас қилиб, ўшалардай бўлишни, билишни, қироатимизни мукаммаллаштиришни орзуладик. Бугун шу даражага етишувимизда ота-онамиз ва устозларимиз Бадриддин, Зиёвуддин, Сирождиддин қориларнинг хизматлари беқиёсдир.

— Кечирасиз, бир оғайнимиз баъзан дангасалик тутиб, ўқигим келавермаса, ўзим-



ни ўзим «мукофот»лар эдим. Яъни, калта сура ўрнига узунроқ сура, ўн марта эмас, йигирма марта, ўтириб эмас, тик туриб ўқиш каби усуллар билан ҳолатимни тузатар, ўзимни ўнглаб олардим, дегани қулоғимда. Сизларда ҳам шу каби ҳолатлар бўлганми?!

Ҳасан-Ҳусан қориларнинг кўзлари ёниб, жил-маядилар.

– Бўлади. Болаларга қўшилиб ўйнаб кетиб қолмаслигимиз учун бизни устунларга боғлаб қўйишларини сўрардик. Сабоғимиз пишгунга қадар ечмасликларини сўрар эдик. Қори бўлиш учун такрорлаш, ўтилганни ёдда сақлаш жуда-жуда муҳим.

– Ниятларингиз қандай? – дея гап қўшамиз завқимиз ошиб.

– Ниятлар кўп. Аллоҳ таоло илм ўрганиш, эгаллашни бешиқдан то қабргача фарз қилган экан, биз ҳам илм ўрганишга киришдик. Саид Муҳиддин номидаги мадрасада ўқишни бошлаганмиз. Илм бир боғ бўлса, биз шу боғнинг эшигидан эндигина кириб, қайси мева ва гуллар ва дарахтлар қаерларда жойлашганини, бир оз ўргандик: агар денгиз бўлса, юзасида бир оз чўкмай сузишнигига билдик, ҳали боғбон бўлиб пайвандлашларни ёхуд ғоввос бўлиб шўнғишларни ўрганиш зарур деб ўйлаймиз.

– «Дунёвий илм», «диний илм» дейилишига қандай муносабат билдирасизлар?

– Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар: «Сизларнинг яхшиларингиз охиратини деб дунёсини ёки дунёсини деб охиратини ташлаган киши эмас, балки унисини ҳам, бунисини ҳам ушлаганингиздир». Дунё ва охират илми битта нарсанинг икки томони деб ўйлаймиз. Шу яшаб турганимиз дунё амали тўғри бўлмагунча, одам ўзи ва ўзига берилган жисмоний, маънавий, руҳий

неъматларни тўғри тасарруф этиб, ўз ўрнида ишлатмагунча, фойдаланмагунча асл мақсад ҳосил бўлмайди, деб тушунамиз.

Шеригимиз луқма қўшади:

– Косибчилик, чеварчиликдан хабарлари бор. Кўйлак, шимни ўзлари тикишади. Опаларининг ҳаммалари уйли-жойли бўлганлари учун уй ишлари, қозон-товоқ, супириб-сидириш ҳам гарданларида. Ҳатто шеър ҳам ёзиб туришади.

– Ёшлигимиздан дадамиз бизга шеърлар ўқитган, ўргатган. Навоий, Ибн Синолардан ёдлаганмиз, алоҳида вақт ажратмасак ҳам, аммо ёзиб турамиз.

– Ижодларингиздан намуна эшитсак. Ҳасанхон қори ушбу рубоийни ўқиб берди:

Назмнинг бирла айлар эсанг элни огоҳ,
Бу йўлда санга рубоий бўлса ҳамроҳ,
Сен айла дилу назминга доим ҳамдам:
Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ.

Кейин Ҳусанхон қори қуйидаги рубоийни ўқиди:

Дунёни фидо айлади инсонга Худо,
Инсон вале қилди ўзин дунёга фидо.
Ҳақ уни юборди дунё соҳиби айлаб,
У келди-ю, дунёга қул бўлди аммо...

Кўнгилларимиз эриб, мумтоз адабиётдан, «Фаришта қози» девонидан эшитиб анча ўтирдик. Сўнгра вақт отини қамчилаб... яна саволга кўчдик.

– Уйланиш фасли ҳам келмадимикан?

– Аллоҳнинг марҳамати, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннати экан, бу ҳам зарурат. Покиза оиладан чиққан муносиб жуфти ҳалол ато этишини Аллоҳдан сўраймиз. Дадамиз бизни онамизга қолдириб дунёдан эртароқ кетдилар, волидайи муҳтарамамиз чеварчилик қилиб бизни боқдилар, ўқитдилар. Бўлғуси келинлари билан онамиз хизматларида ҳозир нозир туришимиз керак.

Ўша куни Аллоҳ каломининг булбуллари – Ҳасан-Ҳусан қориларга дунё ва охират саодатини тилаб, кўзимизни, кўнглимизни узолмай, хўшлашлигимиз келмай... хайрлашдик.

**Абдулазиз АБДУЛҲАМИД,
Мухторжон КАРИМ,
Убайдулла СОДИҚ**



Абдул ЖАЛИЛ

Майсадек титрайди яна ЖОН

ИСТИҚЛОЛ

Нур эдинг, товланар эдинг юракда,
Гул эдинг, солланар эдинг тилакда.
Ҳақиқатни рўй-рост айтиш керак-да —
Руҳимнинг парвози эдинг, Истиқлол.

Яшна, эй ҳурликнинг офтоб жамоли!
Боболарим ёди — ўғлим камоли!
Ҳар икки дунёни безаш аъмоли —
Имоннинг овози бўлдинг, Истиқлол...

ҲИДОЯТ САРИ

Саҳрода гулларнинг ҳоли не кечар?
Афтода дилларнинг ҳоли не кечар?
Гумроҳ ўғилларнинг ҳоли не кечар?
Ё Аллоҳ, бошлагин ҳидоят сари.

Муборак осмонлар мавжини кўрдим,
Қалбларда эҳсонлар авжини кўрдим.
Энди бу гирёнлар фавжини кўрдим,
Ё Аллоҳ, бошлагин ҳидоят сари.

Тоғни ҳам, боғни ҳам асл огоҳлар —
Обод қилар эди — валийуллоҳлар.
Аслида ким учун қазилгай чоҳлар?
Ё Аллоҳ, бошлагин ҳидоят сари.

Бирда мол талашдир, бирда ном талаш,
Барчаси Иблиснинг илкини ялаш.
Ўртада бу азиз имон хомталаш,
Ё Аллоҳ, бошлагин ҳидоят сари.

Она юрт, она юрт, тинч бўлсин бошинг,
Кўзларимнинг нури — тупроғинг, тошинг.
Порласин, порласин толе куёшинг,
Ё Аллоҳ, бошлагин ҳидоят сари...



‘Фавж — гуруҳ, тўда.

ОНАЖОН

Бир зариф туйгулар қўлида,
Бир ғариб орзулар йўлида,
Бир лаҳза, бир нафас, бир фасл,
Бир умр, онажон, бир аср
Наҳотки аламлар оша жим
Мен сизни соғинмай яшадим.

Умидлар, армонлар уяси — ҳаёт
Гоҳ гулгун, гоҳида бебаёт.
Бир чўнг тоғ тилгайдир елкамни,
Бир Аллоҳ билгайдир эртамни...
Юракда овунчим шеърмикан?
У мени сирдошим дермикан...

Ёндирар гулларнинг жамоли,
Сўндирар йилларнинг шамоли.
Ҳар сори оҳларим сачраб-да
Куярман бир ёруғ ҳасратда...
Майсадек титрайди яна жон,
Мен сизни соғиндим, онажон...



ЮРАК ЁНИШЛАРИМ

Юрак ёнишларим авжин билур офтоб,
Бу ўт кўзгусидур — жилва қилур офтоб.

Табассуминг ҳажр тоғин этар пора,
Булутлар бағрини андоғ тилур офтоб.

Қабоҳат қавми қиш ичра қолур гирён,
Муҳаббат бошидан то ўргилур офтоб.

Кўнгулда мавж урар гўё гулу майса,
Ҳамал буржида оҳиста жилур офтоб.

Само кўшқиди гулғунча очар кундуз,
Мисоли мушки анбар сочилур офтоб.

Хазон лашкарларин қувди, кел, эй боғбон,
Бу боғ томида зангор туғ илур офтоб.

Жалил, озурда кўнглингни чечакдай ёз,
Фалакдан раҳмати Ҳақ ёғилур — офтоб!

Шайтон Минодами?
Шайтон мендадир.
Бир кам эллик бор тош отиб англадим.
Баланд тоғ, кўм-кўк сув, саҳрою адир —
Дунёдай кенг дилни тигдай тангладим.

Гарчи шайтон бир зум тинч кўяй демас,
Пайт пойлар қўйнида у ҳам тош билан.
Биз уни тош отиб Минода эмас,
Қалбда ўлдирайлик ўтлиғ ёш билан.

Шамсиддин Туркистонийга

Наҳот англамасам Сизнинг ниятни,
Кўнгил ишқ кўйида шунчами ғариб?
Бизни соғинтирган абадиятми
Ёки келдикмикан шафе ахтариб.

Саҳобалар Бақий қабристониди
Нечун алқайдилар Жалил Муршидни?
Ким нурлар элайди дил осмонида,
Ким қучиб эркалар қалбда хуршидни?

Дилда ишқ тошқини, кўзга ёш тўлган,
Азоб ўти сўнса, тақдир зайлими?
Сиз олис Ватанга улашмоқ бўлган
Зам-замдан бир томчи ичсам майлими...

«Рамазонда бир ойдин саҳар...» туркумидан

ҲАННОНА

Ўқсиб-ўқсиб йиғлай бошладинг нечун?
Бунчалар кўнглинг бўш экан, Ҳаннона!
Расулуллоҳ келиб бағрига босди
Гўёким гўдагин овулган она...

Бир жонсиз устунда шунчалар меҳр!
Шукрим, йироқман гумон фикридан.
Ваъз ўқирди унга суяниб Расул,
Баҳра топар эди Аллоҳ зикридан.

Букун-чи, Пайғамбар ўтди боқмасдан,
Ўтди ўрнатилган минбар қошига.
Мутаассир бўлди аҳли намоз ҳам,
Чўмди қалбдан оққан шафқат ёшига.

Расулуллоҳ сўрди: «Сени жаннатга
Элтайму ё унган чорбоғинг сари?»
Деди: «Боқий дунё кўшикида мендан
Хурмо узиб егай Аллоҳ дўстлари...»

Ўқсиб-ўқсиб йиғлай бошладинг нечун?
Бунчалар кўнглинг бўш экан, Ҳаннона!
Расулуллоҳ суяб бағрига босди
Гўёким гўдагин овулган она...



ДОРУН НАДВА МАСЛАҲАТИ

Йигитларни сайладилар,
Қиличларни қайрадилар.
Мунофиқлар Пайғамбарнинг
Жонига қасд айладилар.

Абу Жаҳл тузди режа:
«Мушрикларда уруғ неча
Бўлса, шунча шамшир олинг,
Бирдан чопинг ярим кеча!»

Шайх либосин кийган шайтон
Деди: «Ҳой-ҳой, бўлманг ҳайрон!
Бундан ортиқ чора қайда,
Илож борму тўқмасдан қон?»

Маслаҳат шу. Масъала ҳал.
Бўлмасин ҳеч тайсал-пайсал.
Ўлдиргайсиз Муҳаммадни
Эл уйқуда ётган маҳал!»

Йигитларни сайладилар,
Қиличларни қайрадилар.
Мунофиқлар Пайғамбарнинг
Жонига қасд айладилар.

Қоқ ярим тун. Эл уйқуда.
Қилич сермаб қоронғуда
Пайдо бўлди қонсираган
Абу Жаҳл бошлиқ тўда.

Қодир Аллоҳ этди аён,
Ваҳий – огоҳ етди шу он.
Уйдан чиқди Расулуллоҳ,
Ўтди хавфдан омон-омон.

На кўрқиб, на шошиб ўтди,
«Ёсин»дан сўз очиб ўтди.
Ҳар мушрикнинг боши узра
Бир-бир тупроқ сочиб ўтди.

ШАРҲИ ҲОЛ

Ажаб, айтган сари ошар ҳайратим,
Адо этмоққа ҳеч етмас ғайратим.

Қудратин бир пинҳон, бир фош кўрарман,
Дилни хур дард ила сирдош кўрарман.

Ўз кўнглима кўйди эркин Илоҳим,
Тонг-ла ҳолимга не деркин Илоҳим?

Аён, ортаётир тун-кун оҳларим,
Қаён тортар охир бул гуноҳларим.

Гарчи ҳар бандадин қолар из – туроб,
Дил маҳзани бўлсин ишқу изтироб.

Токим иноят-ла қўлласин, Аллоҳ.
Мангу саодатга йўлласин Аллоҳ.

Қалбимни поралаб тиглаюр бўлсам,
Минг оху зоралаб йиғлаюр бўлсам,

Нега ҳам арзирди менинг ашқларим –
Девона кўнглимининг тентирашлари?

Умматингиз, Расул, кўрмасин алам,
Соллаллоху алайҳи васаллам...





ОДАМ ТАКАШИННИНГ ИҚБОЛИ

Японияга саяхат таассуротлари

Япония барча динларга бир хил муносабат шаклланган мамлакат. Шу боис турли динлар вакиллари бу ерда тинч-тотув яшашмоқда. Тарихан японларнинг асосий дини синтоизмдир. Буддизмнинг ёйилиши VI асрнинг ўрталарига тўғри келади. Кейинчалик бу кунчиқар ўлкага насронийлик ва Ислом ташриф буюрди. Бугунги кунда японлар насронийлик қатори Исломга ҳам қизиқиш билан қарашмоқда.

Тўғри, мусулмонлар 127 миллионли аҳоли ўртасида сезиларли мавқега эга эмас. Чунки узоқ вақт ажнабийлар учун ёпиқ мамлакат бўлган Японияда Ислом «энг ёш» динлардан ҳисобланади. Шундай бўлса-да, мусулмонлар сони аста-секин кўпаймоқда. Ҳозир Японияда элликка яқин, Токионинг ўзида эса йигирмата масжид ишлаб турибди.

Япония мусулмонлари ҳаёти билан Нагоя шаҳридаги жомеъ масжиди мисолида танилиб чиқдик. Масжид шаҳарнинг марказида, уч қаватли. Биринчи қаватда имом-хатибнинг қабулхонаси, Ислом маркази жойлашган. Иккинчи қаватда аёллар, учинчи қаватда эркеклар намоз ўқишади. Кундалик намозларда 20-25 чоғли муслим ва муслима жамоатга ҳозир бўлишса, жума намозини адо қиладиган намозхонлар сони 250 нафаргача боради.

Масжид қошида Куръон ёдлаш мадрасаси фаолият кўрсатмоқда. Бу мадраса боғча ва бошланғич синфлар дастури бўйича ҳам таълим беради.

Масжид имом-хатиби Абдулбосит Салимдан япониялик мусулмонлар ҳаёти ҳақида сўраганимда, у, жумладан, куйидагиларни гапириб берди:

«Япон мусулмонларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар Исломга киришгач, диний илмларни тўла эгаллашга интилишади. Яъни, Исломни ақида, шариат ва ахлоқдан иборат дин сифатида таниб, шу тушунчалар тақозосига кўра ҳаёт кечиришади. Кўплари Исломни янада мукамалроқ ўрганиш учун мусулмон ўлкаларга сафар қилишади».

Бироқ бу дегани япон мусулмонларининг муаммолари йўқ дегани эмас. Бир томондан

диний озчилик сифатида руҳий узлат ва бегонасираш сезилса, бошқа томондан исломий йўл билан сўйилган ҳайвон гўшти топиш анча мураккаб. Иккинчи муаммо секин-аста ечимини топмоқда. Ҳозир Японияда йигирматача «Ҳалол-шоп» дўконлари ишлаб турибди. Уларда Ислом шариати талабларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, турли шаръий либослар ва диний адабиётлар сотилади.

Масжид зиёрати асносида жуда ҳаяжонли бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Уки Такаши исмли бир япон мусулмонликни қабул қилишга келган экан. У ўн кунча олдин масжидга келиб, Ислом ҳақида батафсил сўра-



ган. Бизга айтишича, ҳаётини ибратларни, олий ахлоқни у Исломда кўрган. Шундан сўнг қатъий қарорга келган.

Уки Такаши имомнинг ортидан шаҳодат калимасини қийналиб, лекин завқ-шавқ билан такрорлар эди. Бошқаларни ҳам кучли ҳаяжон чулғади. Дунёнинг нариги чеккасидаги тили «калима»га қовушмаётган бир инсон Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканига ва ўлгандан сўнг қайта тирилишга имон келтирмоқда. Куфрнинг қоронғу зулматидан имоннинг нурли оламига ва залолатдаги



Ўтмишдан ҳидоятдаги келажакка қадам бо-
саётган бу инсон нақадар бахтли!.. У исмини
Одам деб ўзгартирди ва «Одам Такаши» бўлди.
Не бахтки, унинг содиқ мўмин бўлганига
гувоҳлик бериб, камина ҳам имон шаҳодат-
номасига имзо чекдим.

Бундай воқеалар масжидда тез-тез содир
бўлиб туради. Чунки бугунги кунда ривож-
ланган, илғор мамлакатларга хос бир кўри-
ниш шундай: одамлар руҳий ҳаловат излаш-
моқда, тараққиёт йўлларидаги туссиз
ҳаётдан толиққан қал-
бларига хотиржамлик
қидиришмоқда. Со-
фия университети-
нинг талабаси Санси-
ро Хосаканинг айти-
шича, бошқа динлар
қатори унинг Исло-
мга ҳам қизиқиши куч-
ли. Чунки бугун XXI
аср Японияда «ёлғиз-
лик асри» бўлади,
дейишмоқда. Бунинг
аломатлари ҳозирдан
кўринаётир. Ҳамма
ўзи билан овора.
Меҳр-оқибат каби од-
дий инсоний туйғулар
йўқолиб бораётгандай.
Мактаб ўқувчилари
ҳатто партадошининг
уйи қаердалигини
билмайди. Бундай вазиятда инсон ўзига ал-
батта бир руҳий мадад истайди.

Лекин ҳар соҳада удлабурон япон халқи
маънавий соҳадаги муаммони ҳам ҳал этишга
қобил. Хато анланган. Уни тузатиш учун би-
ринчи қадам қўйилган. Бу ёғини эса вақт
кўрсатади.

Мубашшир АҲМАД

Фотир сурасидаги
وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ
مَا يَمْلِكُونَ مِنْ قِطْمِيرٍ

муборак жумлани
шайх Исмоил ибн Ка-
сир ҳазратлари: «Сиз
сигинаётган бутларин-
гиз еру кўкда ҳеч нар-
сага — хурмо данаги-
нинг юпқа пардапўс-
тига ҳам эга эмас»,
деб тафсир қилади.


Доктор Абдуллоҳ
ибн Абдул-Азиз ал-
Муҳсин ат-Туркий
бошлиқ бир гуруҳ етук

нинг пўстлоғига —
қитмирга ташбеҳ этиб:
«мушриклар сигинаёт-
ган бутлар ҳеч нарса-
га эга бўлмай, ҳеч нар-
сага ҳам қодир эмас»-
лигини баён этмоқда.

Машҳур «Ал-Мун-
жид» қомусида қит-
мир «Хурмо гўшти
билан данаги ораси-
даги юпқа пар-
дапўст», деб туриб:
«Менга қитмир ҳам
тегмади ёки менга ҳеч
нарса тегмади» жум-
ласи орқали изоҳ
қилинган.

Туркий тилларга

ҚИТМИРЧАЛИК ҚИЙМАТИ ЙЎҚ



уламоларга тегишли
«Ат-Тафсир ал-Муй-
ассар»да оятнинг маз-
кур иқтибоси: «Ўша
ибодат қилаётган бут-
ларингиз «қитмир»га
ҳам эга эмас, яъни,
хурмо данаги устида-
ги оқ юпқа пардапўс-
га ҳам», деб тафсир
қилинади.

Нега айнан бутлар-
нинг «имкони» қит-
мирча ҳам эмаслиги
баён этилмоқда?


Одатда бирор нарса
изоҳланмоқчи бўлса, у
одамлар тўла тасаввур
қила олувчи нарсага
ўхшатилади. Илми ба-
логатнинг манбаи
бўлган Қуръони карим
араб тилида нозил
бўлганидан, саҳройи
араб халқининг ақл-
идроки ва зеҳнига ен-
гил сингиши учун
Аллоҳ таолодан ўзга-
га сизинишни улар-
нинг кундалик таоми
ҳисобланган хурмо-

ўгирилган таржима ва
тафсирларга назар
солсак, туркчада «пис-
та пўчоқ», уйғурчада
«қилчалик нарса», та-
тарчада «ҳеч нарса»,
қозоқчада «ўрик
қобиғи», ўзбекчада
«пўстлоқча нарса» ва
«данак пўстлоғи» ка-
биларни учратамиз.

Дарҳақиқат, хур-
монинг юпқа парда-
пўсти мевани истей-
мол қилувчи учун
«ҳеч нарса»дир. Чун-
ки унда на маза ва на
қувват бор. Уни хур-
мо гўшти билан тано-
вул қилинадими —
олиб ташлаб тановул
қилинадими хурмо-
нинг таъми ҳеч бир
ўзгариб қолмайди.

Шокирхон
ШОДМОНХЎЖА ўғли,
олий тоифали
араб тили ўқитувчиси

Бошқотирма



Бўйига: 1. Иброҳим алайҳиссаломнинг ўгли. 2. Сулаймон алайҳиссалом билан баҳслашган ҳашорат. 3. Автомобилсозликда энг яқин ҳамкоримиз. 4. Буюк мутакаллим аллома. 5. Ақлли шоҳ. 6. Буюк муҳаддислардан бири. 8. Амударёнинг қадимги номларидан бири. 10. Искандар Зулқарнайнга қарши курашган қаҳрамон. 12. Афсонавий қаҳрамон аёл. 13. Ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионларидан бири. 14. Қадимий ва навқирон шаҳар. 17. Буюк фақиҳ алломалардан бири. 20. ... ёшда эмас бошда. 22. Русиядаги дарё. 23. «Хамса» қаҳрамонларидан бири. 25. Туғилиб ўсган юрт. 26. Шоир, шоҳ, муаррих. 27. Ўрта Осиёдаги денгиз. 28. Муқаддас китоблардан бири. 31. Ислом тарихидаги дастлабки жанглардан бири. 32. Мамлакатимиздаги шаҳар. 35. Минг дардга даво ширинлик. 38. Беш фарздан бири.

Энига: 4. Олимпия олтин медалини қўлга киритган ҳамюртимиз. 7. Боболарнинг биз етганимиз буюк орзуи. 9. Тиконинг «ака»си. 11. Жанубий Америкадаги пойтахт шаҳар. 15. Бошқотирма тури. 16. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан бири. 18. Чаҳорёрлардан бири. 19. «Муаллим ус-соний» унвонига сазовор бўлган аллома. 21. Ўзбекистонлик теннисчи қиз. 24. Боксчи, жаҳон чемпиони. 27. Шоир, газалнавис Муҳаммадризо... 29. Мусиқа асбоби. 30. Дарё ортидаги ерлар. 33. Ўзбек миллий достони. 34. Моҳларойим. 36. Ўзбекистондаги шаҳар. 37. Темур тиғи етмаган жойни қалам билан олди ...

Тузувчи **Жамшид НЕЪМАТ**

ФИҚҲИЙ ТОПИШМОҚЛАР

1. Аҳмад бир вақтнинг ўзида Баҳодирнинг ҳам амакиси, ҳам тоғаси бўла оладими? Қандай қилиб?
2. Бир киши гусл қилаётиб, бошига масҳ тортди. Нима учун шундай қилди?
3. Соғлом бўла туриб имо-ишора билан кимлар намоз ўқий олади?
4. Икки одам бир вақтнинг ўзида бир-бирига амаки бўла оладими? Қандай қилиб?

Акмал АВАЗ,
Қўқон